Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 238 (6.129) ◉ 1986 йил 16 октябрь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети Бош секретари

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

Салом, азиз ўртоқлар!

Менинг Қўшма Штатлар президенти Р. Рейган билан Исландиядаги учрашувим ўтган куни, якшанбада тугаганини биласизлар. Учрашув якунлари юзасидан ўтказилган матбуот конференцияси телевидение орқали кўрсатилди. Нутқ тексти ва менинг журналистларга қайтарган жавобларим эълон қилинди.

Ватанга қайтиб келгач, иш қандай бўлганини ва Рейкьявикдаги учрашувни биз қандай баҳолашимизни айтиб беришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Ҳозиргина КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Исландия пойтахтидаги учрашув якунлари муҳокама қилинди. Партиямиз раҳбарлик органи мана шу йирик сиёсий воқеа хусусида қандай хулоса чиқарганлиги тўғрисидаги ахборот эртага эълон қилинади, бу воқеанинг оқибатлари халқаро муносабатларга узоқ вақт таъсир қилишига аминмиз.

ТАСС фотоси.

Рейкьявик арафасида бўлажак учрашув ҳақида кўп гапирилди ва ёзилди. Шундай вақтларда одатда бўладиганидек, кўпдан-кўп тахминлар ва мулоҳазалар айтилди. Шундай бўлиши табиий. Бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринишлар ҳам бўлди.

Ҳозир, учрашув тугаган бир пайтда унинг натижалари жаҳон жамоатчилигининг диққат-марказида турибди. Хўш, нималар рўй берди? Бу учрашув қандай наф келтирди? Учрашувдан кейин дунёнинг аҳволи нима бўлади? — деган саволлар ҳаммани қизиқтирмоқда.

Рейкьявикдаги учрашувда жаҳон сиёсатининг бош масалалари — қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядровий қуролсизланиш масалалари диққат-марказига қўйилишига интилдик. Аслида, шундай бўлиб ҳам чиқди.

Бизнинг бу ишдаги қатъиятимизга сабаб бўлган мулоҳазалар нималардан иборат? Бизнинг ички қийинчиликларимиз бунга сабаб бўляпти, деган гапни чет элдан тез-тез эшитиш мумкин. Ғарбнинг мўлжалларида Совет Иттифоқи пировард натижада қуролланиш пойгасига иқтисодий жиҳатдан бардош бера олмайди, тинка мадори қуриб, ғарбга таъзим қилиб келади, деган тезис мавжуд. Уни яна бир сиқувга олиш, зўравонлик позициясини кучайтириш керак, деб ўйлайдилар. Дарвоқе, АҚШ президентининг учрашувимиздан кейиноқ сўзлаган нутқида ҳам шу ҳақда гапирилди.

Бундай режалар беҳудагина бўлиб қолмай, балки хатарли эканлиги ҳақида, чунки улар ҳалокатли сиёсий ечимларга олиб бориши мумкинлиги тўғрисида илгари ҳам неча марта гапирган эдим. Биз ўз муаммоларимизни бошқалардан кўра яхшироқ биламиз. Бизда муаммолар бор, биз уларни ошкора муҳокама қиляпмиз, ҳал этяпмиз. Бу хусусда бизнинг ўз режаларимиз, ўз ёндашувларимиз ҳамда партия билан халқнинг умумий хоҳиш-иродаси мавжуд. Умуман шуни айтишим керакки, ҳозир Совет Иттифоқи ўзининг жипслиги билан, халқининг сиёсий активлиги билан, жўшқинлиги билан кучлидир. Бу тенденциялар, бинобарин, жамиятимизнинг кучи ҳам ошиб бораверади, деб ўйлайман. Башарти зарур бўлиб қолса, Совет Иттифоқи ҳар қандай дағдағага муносиб жавоб бера олади. Совет кишилари шуни биладилар, буни бутун дунёда ҳам билиб қўйишлари керак. Аммо биз ким зўр ўйинини ўйнашни хоҳламаймиз. Бу — ракета-ядро асрида ҳаддан ташқари хатарли машғулотдир.

Халқаро муносабатларнинг чўзилиб кетган жазавали ҳолати замирида кўққисдан, ҳалокатли танглик чиқиши хавфи яшириниб ётганига бизнинг ишончимиз комил. Ядро урушини даф қилиш учун амалий қадамлар қўйиш талаб қилинмоқда. Халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш учун совет — американинг куч-ғайратлари, бутун жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратлари талаб қилинмоқда.

Шу мақсадларни кўзлаб учрашув арафасида президент Рейганнинг учрашувга розилигини олишдан аввалоқ биз, Совет раҳбарлари катта тайёргарлик иши олиб бордик. Бу ишда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Секретариатидан ташқари, Ташқи ишлар ва Мудофаа министрликлари, бошқа идоралар, илм-фан намояндалари, ҳарбий экспертлар, саноат турли тармоқларининг мутахассислари қатнашдилар. Биз Рейкьявикдаги учрашув учун ишлаб чиққан позициялар дўстларимиз билан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг раҳбарлари билан кенг миқёсда, бир неча бор ўтказилган муҳокаманинг натижаси бўлди. Биз учрашувга принципиал мазмун бахш этишга, олисни кўзловчи таклифлар тайёрлашга интилдик.

Энди учрашувнинг ўзи ҳақида — у ердаги воқеалар қандай ривожланганлиги тўғрисида тўхталаман. Рейкьявикдаги музокарадошларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ сохталаштираётган ҳақиқатни қарор топтириш учунгина эмас, балки асосан бундан буён нималар қилмоқчи эканимизни сизлар билан ўртоқлашиш учун бу ҳақда гапириб бериш лозим.

Президент Р. Рейган билан биринчи суҳбат шанба куни соат 10 дан 30 минут ўтганда бошланди. Шундай ҳолатларда одат бўлган салом-аликдан ва мухбирлар билан қисқача мулоқотдан сўнг биз яккама-якка қолдик, фақат таржимонлар бор эди. Умумий вазият тўғрисида, мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқот қандай давом этаётганлиги тўғрисида фикрлашдик, муҳокама қилишимиз лозим бўлган масалаларни белгиладик.

Сўнгра мен президентдан шу учрашувга келишимизга сабаб бўлган асосий масалалар хусусидаги конкрет таклифларимизни эшитишни сўрадим. Мен бу таклифлар ҳақида матбуот конференциясида анчагина батафсил гапириб бердим. Шундай бўлса-да, буларни қисқача эслатиб ўтаман.

Кўпгина йирик тадбирлар тўғрисидаги таклифлар музокара столига қўйилди, бу таклифлар қабул қилинганида, инсоният ҳаётида янги даврга—ядросиз даврга асос солинган бўлур эди. Жаҳон вазиятидаги туб бурилишнинг моҳияти мана шундан иборат эди, шундай бурилиш имконияти очиқ-равшан ва реал эди. СҚЧ-1, СҚЧ-2 Шартномаларида ва бошқа шартномаларда бўлганидек, энди гап ядро қуролларини чеклаш тўғрисида эмас, балки нисбатан қисқа муддатларда ядро қуролини тугатиш ҳақида борар эди.

Биринчи таклиф стратегик ҳужум қуролига тааллуқли эди. Мен бу қуролни дастлабки беш йил мобайнида 50 процент қисқартиришга тайёрлигимизни айтдим. Ердаги, сувдаги ва осмондаги стратегик қуролни икки ҳисса қисқартириш лозим эди. Биз бир битимга келишни осонлаштириш учун каттагина ён беришга рози бўлиб, Американинг бизнинг территориямизга етиб кела оладиган ўртача ракеталарини ва Американинг олдинги базаларида жойлаштирилган воситаларини стратегик тенгламага қўшиш тўғрисида илгари қўйган талабларимизни қайтариб олдик. Бизнинг оғир ракеталаримиз хусусида АҚШнинг хавотирлигини ҳам эътиборга олишга тайёр эдик. Биз стратегик қурол тўғрисидаги таклифни, шу йил 15 январда таклиф қилганимиздек, бу қуролни батамом тугатиш нуқтаи назаридан кўриб чиқдик.

Бизнинг иккинчи таклифимиз ўртача олислик ракеталари хусусида эди. Мен президентга Европада жойлаштирилган шу классдаги Совет ва Америка ракеталарини бутунлай тугатишни таклиф қилдим. Бу ўринда ҳам биз каттагина ён беришга рози бўлиб, олдинги позициямиздан фарқли ўлароқ, Буюк Британия билан Франциянинг ракета-ядро қуроли ҳисобга олинмаслиги лозимлигини айтдик. Биз Европадаги кескинликни юмшатиш йўлини тозалаш, Европа халқларини ядровий фалокат олдидаги қўрқувдан халос этиш ва сўнгра жамики ядро қуролини тугатиш сари олға бориш зарурлигига асосланиб иш тутдик. Бу ҳам бизнинг дадил қадамимиз бўлди деб ҳисоблайверинг.

Қандай эътирозлар бўлиши мумкинлигини олдиндан пайқаб, биз 1000 километрдан камроқ олисликка учадиган ракеталарни кўпайтирмасликка ва дарҳол бу ракеталарнинг бундан кейинги тақдири тўғрисида музокараларга киришишга розилигимизни билдирдик. Мамлакатимизнинг Осиё қисмидаги ўртача олислик ракеталарига, яъни президент Рейганнинг «жаҳоншумул варианти»да доимо рўкач қилинаётган масалага келганда эса, —биз бу масала юзасидан ҳам дарҳол музокаралар бошлашни таклиф қилдик. Бу соҳада ҳам бизнинг таклифларимиз мазкур муаммони ҳам тубдан ҳал этиш имконини берадиган йирик, жиддий характерда бўлганини кўриб турибсизлар.

Биринчи суҳбатдаёқ мен президент олдига қўйган ва бизнинг таклифларимиз мажмуасига узвий равишда кирган **учинчи масала— ракетадан мудофаа хусусидаги мавжуд шартнома ва ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги масала эди.** Бизнинг ёндашувимиз шундай: Модомики биз ядро қуролини кўп миқдорда қисқартириш ва уни бирмунча қисқа муддатда тугатиш бошланаётган мутлақо янги вазиятга қадам қўяётган эканмиз, ўзимизни ҳар қандай кутилмаган тасодифлардан хавф-хатарсиз қилишимиз зарур. Бу ўринда гап шу пайтгача мамлакатимиз мудофаасининг ўзагини ташкил қилиб келаётган қурол ҳақида бормоқда. Шу сабабли қуролсизланиш чоғида тенгликка путур етказиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно қилиш, ҳарбий устунликни таъминлайдиган янги типдаги қурол яратилишининг ҳар қандай эҳтимолини соқит қилиш керак. Бундай позицияни биз мутлақо қонуний ва мантиқий деб ҳисоблаймиз.

Модомики шундай экан, биз ракетадан мудофаа юзасидан 1972 йилда тузилган муддатсиз Шартномага қатъий риоя этиш зарурлигини рўй-рост қилиб айтдик. Бундан ташқари, мазкур шартнома режимини мустаҳкамлаш учун биз президентга АҚШ билан Совет Иттифоқи камида ўн йил мобайнида шартномадан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланмаслик тўғрисида ўзаро мажбурият олсинлар, шу вақт ичида эса стратегик қуролни тугатсинлар, деб таклиф қилдик.

Маъмуриятнинг ўзи шу проблема хусусида ўзи учун алоҳида қийинчиликлар вужудга келтирганини, шахсан президент ўзини космик қурол билан, «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ) билан боғлаб қўйганини эътиборга олиб, биз бу соҳадаги ишлар тўхтатилишини талаб қилмадик. Бироқ ракетадан мудофаа хусусидаги Шартноманинг ҳамма қоидаларига тўла риоя этилади, яъни бу соҳадаги тадқиқот ва синовлар лабораториялар доирасидан четга чиқмайди, деган тушунчага амал қилиниши кераклигини айтдик. Бу — АҚШ учун ҳам, СССР учун ҳам бир хил чеклашдир.

Президент бизнинг фикримизни тинглаб, ўз мулоҳазаларини айтди, баъзи нарсаларни батафсилроқ тушунтириб беришни сўради. Суҳбат чоғида биз контрол тўғрисидаги масалани қатъий ва аниқ қилиб қўйиб, уни ядро қуроли тугатилгандан кейинги вазият билан боғладик, бу вазият эса алоҳида масъулиятни талаб қилади. Башарти иккала мамлакат ядровий қуролсизланиш йўлига ўтса, Совет Иттифоқи контрол хусусидаги ўз позициясини кучайтиришини мен президентга айтдим. Бу контрол ҳамма соҳаларни ўз ичига оладиган, ишонса бўладиган реал контрол бўлиши керак. У битимга риоя этилиши пухталигига тўла ишонч вужудга келтириши, жойларда назорат ўтказиш ҳуқуқини ўз ичига олиши лозим.

Ўртоқлар, сизларга шуни айтишим керакки, президентнинг дастлабки фикри бутунлай салбий бўлмаган эди. Ҳатто у: «Сиз ҳозир баён этиб берган таклифлар бизга умид бағишлайди», деб айтган эди. Аммо суҳбатдошлар (бу масалалар юзасидан бўлган суҳбатга ўртоқ Шеварднадзе ҳам, жаноб Ж. Шульц ҳам қўшилган эдилар) бир оз саросимага тушиб қолганини пайқадик. Айни вақтда уларнинг узуқ-юлуқ мулоҳазаларида дарҳол шубҳалар ва эътирозлар пайдо бўлди. Йўл-йўлакай президент билан давлат секретари ихтилофлар борлиги ва рози эмасликлари ҳақида гапира бошладилар. Уларнинг бу сўзларида Женева музокараларидан кейин кўп ойлар мобайнида биз эшитиб келган эски таниш овозларни очиқ-равшан эшитдик: бизга стратегик ядро қуроллари хусусидаги турли-туман даража-паражаларни, Европадаги ракеталарга оид «оралиқ варианти»ни эслатишди, бизнинг гўё СМТга қўшилишимиз кераклигини, биз — Совет Иттифоқи ракетадан мудофаа хусусидаги мавжуд Шартномани қандайдир янги шартнома билан алмаштиришимиз лозимлигини, шу алфоздаги бошқа кўпгина гапларни айтишди.

Мен ажабланганимни айтдим. Нега энди? Биз Американинг Европадаги «нуль» вариантини қабул қилишни ва Осиёдаги ўртача ракеталар хусусида музокаралар бошлашни таклиф қилаётган бир пайтда, сиз, президент жаноблари, ўзингизнинг аввалги позициянгиздан қайтяпсиз. Бунинг сабабини тушуниб бўлмайди.

Ракетадан мудофаа битимига келганда, биз бу салмоқли, муҳим битимни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни таклиф қиляпмиз. сиз эса ундан воз кечмоқчи бўляпсиз ва ҳатто уни қандайдир янги шартнома билан алмаштиришни таклиф қиляпсиз, шу тариқа СҚЧ-2 дан қайтилганидан кейин стратегик барқарорликни муҳофаза қилиб турган бу механизмни ҳам бузиб ташламоқчи бўляпсиз. Бунинг сабабини ҳам тушуниб бўлмайди, деб айтдим.

Биз СМТ режаларини ҳам обдон билиб олдик, дедим мен. Агар АҚШ космосда ракетадан мудофааланишнинг уч қатламли системасини вужудга келтирса, биз бунга муносиб жавоб берамиз. Аммо бошқа бир нарса бизни ташвишлантираяпти: СМТ қуролни бошқа муҳитга олиб чиқишни билдиради, бу эса стратегик вазиятни издан чиқаради, уни ҳозиргидан ҳам ёмонлаштиради. Агар АҚШнинг мақсади шундан иборат бўлса, буни очиқ айтиш керак. Аммо сиз ҳақиқатан ҳам ўз халқингиз учун, бутун дунё учун мустаҳкам хавфсизлик бўлишини хоҳласангиз, Американинг позицияси мутлақо асоссиздир.

Мен президентга рўй-рост шундай дедим: биз янги катта таклифлар киритдик, сиздан эса ҳозир ҳамманинг меъдасига теккан ва ҳеч қандай натижага олиб боролмайдиган гапларни эшитяпмиз. Президент жаноблари, бизнинг таклифларимизни яна бир бор синчиклаб мулоҳаза қилиб кўришни ва бандма-банд жавоб қайтаришни сиздан илтимос қиламан, дедим. Шу билан бирга, башарти принцип жиҳатдан келишувга эришилган тақдирда, ташқи ишлар министрларига ва бошқа идораларга **учта битим лойиҳасини** тайёрлаш учун беришимиз мумкин бўлган директиваларнинг Москвадаёқ тайёрланиб, инглиз тилига таржима қилиб қўйилган лойиҳасини унга топширдим. Кейин шу битимларни менинг АҚШга визитим вақтида имзолаш мумкин бўлур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

Замондошимиз

ҚУЮВЧИ

Зинаида Владимировна Ҳасанова «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шаҳримиздаги «Реле ва автоматика» заводида қуювчи бўлиб меҳнат қилади. Унинг ана шу корхонада муқим тер тўкаётганига ўн уч йилдан ошди. Ҳозир у заводнинг энг тажрибали қуювчиларидан бири, коммунистик меҳнат зарбдори. Моҳир ишчининг қўлидан чиққан пластмасса деталлар аъло сифатли бўлгани учун ҳамиша биринчи тақдимдаёқ қабул қилинади.

Шу кунларда корхонада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 69 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. З. Ҳасанова ана шу меҳнат беллашуви пешқадамлари сафида бораяпти. Бунда унга иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, иш жараёнини тўғри ташкил этиш, тўплаган бой тажрибаси яқиндан ёрдам бераяпти.

Ҳасановлар оиласи ниҳоятда аҳил. Ишлаб чиқариш билан, оила билан боғлиқ барча масалалар баҳамжиҳат, биргаликда ҳал этилади. Зинаиданинг умр йўлдоши Абдусамад ака — қурувчи. Фарзандлари Дилора фельдшер бўлиб, Радик слесарь бўлиб ишлайди. Уларнинг ҳар бири зарбдор меҳнати билан Ватанимиз қудратини янада оширишга, тинчлик ишини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаяпти.

СУРАТДА: З. В. Ҳасанова.

Т. Каримов фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

14 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди, мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Рейкьявикда АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашуви якунлари хусусида ахборот берди.

Сиёсий бюро Олий даражадаги Совет — Америка учрашуви халқаро ҳаётда, қуролланиш пойгасига қарши, ядро қуролини тақиқлаш ва тугатиш учун, уруш хавфини бутун Ер юзидан бартараф этиш учун курашда муҳим воқеа бўлди. Совет томонининг ана шу учрашувдаги позицияси ҳалол ва ошкора эди. Бу позиция тенглик ва бир хил хавфсизлик принципларига асосланган, иккала томоннинг, улар иттифоқчиларининг, барча давлатлар халқларининг манфаатларини ҳисобга олган бўлиб, ракета-ядро асри реалликлари тақозо этаётган янгича ёндашув, янгича фикрлашнинг конкрет ифодаси эди.

Аҳдномаларга эришишга сидқидилдан интилаётган Совет томони янги муросали таклифлар тақдим этди. Бу таклифларда Америка томонининг ташвишга тушаётганлиги тўла ҳисобга олинган, стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва шундан кейин уларни батамом тугатиш ҳамда Европадаги ўртача олислик ракеталарини йўқ қилиб ташлашдек энг муҳим масалалар хусусида келишувга эришиш имконияти яратилган эди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши халқаро муносабатлар ривожида тубдан бурилишга эришиш, ядро хавфини бартараф этиш ва жаҳон ҳамжамияти барча аъзоларининг тинч ҳамкорлигини ривожлантириш учун имконият очиб берган бўлур эди.

Афсуски, ана шу масалалар хусусида амалда эришилган келишувларни томонлар зиммасига мажбурият юклайдиган шартномаларга айлантириб бўлмади. Бунинг бирдан-бир сабаби — Америка маъмурияти ракетага қарши мудофаа режимини мустаҳкамлаш ва иккала томон учун ҳам бир хил бўлган тегишли мажбуриятлар қабул қилиш йўли билан бу аҳдномаларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратишни қайсарлик билан истамаганлигидир. Бундай иш тутиш Вашингтоннинг СМТ программаси фақат «Тинч» характерда деб қилган баёнотларига янада кўпроқ шубҳа билан қарашга мажбур этади. Оддий мантиқ шундаки, агар қилич бўлмаса, қалқон ҳам керак эмас. Аммо равшан кўриниб турибдики, бу программанинг мақсади бошқачадир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ М. С. Горбачевнинг президент Р. Рейган билан учрашувдаги фаолиятини маъқуллаб, шуни таъкидладики, сифат жиҳатидан янги вазият вужудга келди, ядровий қуролсизланиш учун кураш яна ҳам юксакроқ маррага чиқди. Энди ана шу маррадан туриб ядро қуролини тубдан қисқартириш ва тугатиш йўлидаги куч-ғайратни янада ошириш керак. Шу муносабат билан Рейкьявикда Совет томони илгари сурган платформа асосида ядровий ва космик қуролларнинг бутун комплекс масалалари юзасидан алоқалар ва музокараларни, шу жумладан Женевадаги алоқалар ва музокараларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Уруш ва тинчлик проблемаларини тубдан ҳал этиш йўлидаги тарихий имкониятни бой бериш ҳалокатли бўлур эди. Бу имкониятдан фойдаланиш учун ҳамма ишларни қилиш керак. Бу СССР ва АҚШ халқларининг туб манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига мос келади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида Рейкьявикдаги учрашув якунлари муносабати билан ана шу принципиал йўлни амалга оширишга қаратилган конкрет ташқи сиёсий тадбирлар кўриб чиқилди ва маъқулланди.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

ВАЪДАГА БИНОАН

Темир-бетон кўприк конструкциялари заводи Ҳамза районидаги илғор саноат корхоналаридандир. Бу корхона коллективига шаҳримиздаги саноат корхоналари орасида иккинчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи номи берилган. Ҳозир завод ишчилари юксак номни оқлаб, белгиланган йиллик план ва мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Коллектив йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларида Жиззах область Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозига ва Тошкент область Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозига оталиқ ёрдами кўрсатишга бел боғлаганди. Биз коллектив «Ўзбекистон» колхозида қандай ёрдам кўрсатаётганлиги билан қизиқдик. Завод директори Н. А. Шчербакованинг бизга маълум қилишича, йил бошида корхона вакиллари мазкур колхозда бўлиб, хўжалик қандай материалларга зарурат сезаётганини ўрганиб келганди. Шунга биноан хўжаликка 560 сўмлик ҳар хил асбоблар, 9 тонна металл, 100 килограмм карбид, 63 тонна цемент, 10 кубометр тахта ва бошқа қурилиш материаллари етказиб берилди.

Бундан ташқари коллективдан ҳозир ҳар якшанба куни 30—40 киши колхозга бориб, пахта йиғим-теримида қатнашяпти.

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

Фарғона	0,92	80,09
Тошкент	0,18	73,63
Сирдарё	0,08	63,36
Наманган	0,76	62,81
Сурхондарё	1,59	62,31
ҚҚАССР	1,21	62,19
Хоразм	1,28	60,09
Бухоро	1,05	58,63
Жиззах	0,19	47,76
Самарқанд	1,52	47,36
Андижон	0,73	45,31
Навоий	1,06	38,19
Қашқадарё	0,85	36,73
Республика бўйича:	0,89	57,26

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз тушдан кейин яна учрашдик. Президент танаффус вақтида ишлаб чиқилган позицияни эълон қилди. Дастлабки иборалардан кейинок, мен матбуот конференциясида айтганимдек, Женева музокараларини лоҳас қилаётган, ис бостан эски таклифлар йиғиндисини: турли-туман оралиқ вариантларини, рақамларни, даражаларни, нимдаражаларни ва шу кабиларни яна бизга тақдим этаётганликлари равшан бўла бошлади. Бирон-бир ечимни, олға томон бўладиган бирон-бир ҳаракатни лоақал шама қила оладиган бироита янги фикр, бироита янгича ёндашув, бироита ғоя йўқ эди.

Ўртоқлар, Рейкьявикка америкаликлар бирон бир таклиф олиб келмаганликлари равшан бўлиб қолди. Улар бу ерга ўз саватларига мева териб олиш учунгина, қуп-қуруқ келибдилар, деган таассурот ҳосил бўлди.

Оғир вазият вужудга келди.

Америка президенти принципиал масалаларни дадил ҳал этишга, ҳақиқатан ҳам натижадор ва умидбахш музокараларга туртки бериш учун бизнинг таклифларимизни қабул қилишга тайёр эмас эди. Ҳолбуки мен ўз мактубимда иккала мамлакатнинг олий раҳбарлари даражасида ядровий қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларга қудратли туртки бериш учун ҳеч кечиктирмай дарҳол учрашув ўтказиш тўғрисидаги ғояни ўртага қўйиб, президентни шундай иш тутишга тайёр бўлишга даъват қилган эдим.

Биз ўз таклифларимиз музокарадошнинг манфаатларини эътиборга оладиган ҳар томонлама пухта ўйланган таклифлар эканига ишончимиз комил бўлганлиги сабабли учрашувда бурилиш бўлишига эришиш мақсадида ўз куч-ғайратларимизни давом эттираверишга аҳд қилдик. Аниқлик киритувчи кўпгина саволлардан кейин стратегик қуроллар масаласида равшанлик пайдо бўлди. Биз шуни илиб олиб, муросага келиш иложини қидириш йўлида яна бир катта қадам қўйдик. Мен президентга: сизларда ҳам, бизда ҳам стратегик ҳужум қуролларининг уч тури эътироф қилинади, уларнинг биринчиси — ердаги базаларда жойлаштирилган ракеталар, иккинчиси стратегик сув ости кемалари, учинчиси — стратегик бомбардимончи самолётлардир, келинг, мана шу уч қисмнинг ҳар бирини 50 процент қисқартирайлик, ана шунда турли-туман даражалар ва нимдаражаларга, ҳар хил ҳисоб китобларга зарурат қолмайди, деб айтдим.

Узоқ давом этган мунозаралардан сўнг шу масала юзасидан ҳамжиҳатликка эришишга муваффақ бўлдик.

Сўнгра ўртача олислик ракеталари проблемаси хусусида мунозара авж олди. Америкаликлар оралиқ варианти деб аталган нарсани қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, бу вариант уларнинг Европадаги ракеталари, шу жумладан «Першинг-2» ракеталари бир қисмини сақлаб қолишни ва, табиийки, бизнинг тегишли СС-20 ракеталаримизнинг бир қисмини сақлаб қолишни кўзда тутар эди. Биз қатъиян қарши чиқдик. Нега бундай қилганимизни изоҳлаб бердим. Европа ядро қуролидан халос бўлиш учун, ядро тутқини бўлмаслик учун муносиб қитъадир. Президент эса ўзи узоқ вақт қўкларга кўтариб мақтаган ўзининг «нуль варианти»га қарши курашиши қийин бўлди. Шундай бўлса-да, биз америкаликларнинг Осиёдаги ўз иттифоқчиларн тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик баҳонаси билан бир битимга келишни барбод қилиш ниятида эканликларини сезиб турдик.

Бу ўринда Америка томони тутуруқсиз гапларни кўп айтди. Буларнинг ҳаммасини айтиб беришнинг ўзи ҳам ўнғайсиз. Биз бу масалада ҳам яна бир қадам қўйиб, Европада ракеталар қолдирилмайди ва бизнинг Шарқдаги ва америкаликларнинг эса АҚШ территориясидаги ўртача ракеталарида 100 тадан портловчи заряд қолдирилади, деган формулага рози бўлганимиздан кейингина иш бир оз юришгандек бўлди. Энг муҳими — Европа қитъасини ядровий ракеталардан халос қилиш тўғрисида келишиб олишга муваффақ бўлинган эди.

Шундай қилиб, ўртача олислик ракеталари тўғрисидаги масала хусусида ҳам бир битимга келинди. Ядровий қуролсизланишнинг шу йўналишида ҳам олға томон муҳим силжиш қилинди. Америка маъмурияти ижобий натижаларга эришиш йўлида бизнинг қатъий интилишимиздан бўйин товлашга муваффақ бўла олмади.

Бироқ ҳали ракетадан мудофаа ва ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги масалалар қолган эди.

Биз эртаси кун, якшанбада учинчи суҳбатимизда учрашишимизгача (программага кўра бу — якуловчи суҳбат бўлиши керак эди) бизнинг ва Америка томонининг икки группа экспертлари туни билан ишлаган эдилар. Президент билан бўлган аввалги икки учрашувда айтилган гапларни улар синчиклаб таҳлил этиб чиқдилар ва ўзларининг тунги мунозаралари натижаларини менга ва президентга айтдилар.

Якун шундай бўлган эди: **стратегик ҳужум қуроллари хусусида ва ўртача ракеталар хусусида битимларни ишлаб чиқишга киришиш имконияти пайдо бўлди.**

Мана шундай вазиятда ракетадан мудофаа тўғрисидаги Шартнома жуда муҳим аҳамият касб этган эди. Унинг роли янада муҳимроқ бўлиб қолган эди. Шу пайтгача қуролланиш пойгасини бир қадар жиловлаб турган шартномани бузиб бўладими, ахир, — дедим мен. Агар биз энди стратегик ва ўртача ядро қуролини қисқартирсак, ҳеч ким шу вақт ичида барқарорликни ва тенгликни буза оладиган янги воситаларни яратмаслигига иккала томоннинг ишончи комил бўлиши керак. Шу сабабли муддатни белгилашни мутлақо мантиқий деб ҳисобладим — америкаликлар етти йил ҳақида гапирдилар, биз ўн йилни таклиф қилдик, — мана шу ўн йил мобайнида ядро қуроли йўқ қилиб ташланиши лозим эди. Биз Совет томони ҳам, Америка томони ҳам ракетадан мудофаа хусусидаги Шартномадан чиқиш ҳуқуқидан (улар шундай ҳуқуққа эгадирлар) ўн йил мобайнида фойдаланмасликларини таклиф қилдик. Тадқиқот ва синовлар эса лабораториялардагина давом эттирилаверади. Шундай қилиб, сизлар нега айни 10 йил таклиф қилинаётганини тушуниб олдингиз, деб ўйлайман. Бу тасодифий эмас. Бу ўриндаги мантиқ оддий ва ҳалол мантиқдир. Дастлабки 5 йил мобайнида стратегик қуролларнинг дастлабки 50 процентн, кейинги 5 йил ичида эса қолган ярмиси қисқартирилади. Мана шундан ўн йил келиб чиқади.

Шу муносабат билан мен ўз масъул вакилларимизга натижада ядро портлатишларини батамом, узил-кесил тақиқлаш тўғрисида битим ишлаб чиқиш учун шу портлатишларни тўхтатиш тўғрисида тўла миқёсда музокаралар бошлашни топширишни таклиф қилдим. Шу битимни тайёрлаш чоғида эса ядро портлатишлари хусусидаги жузъий масалаларни ҳам йўл-йўлакай ҳал этиш мумкин бўлур эди. Бу соҳада ҳам биз мойиллик кўрсатдик ва амалий позицияда турдик.

Бунга жавобан биз президент Рейгандан яна эшитган мулоҳазалар Женева музокараларидан ва унинг сўзлаган нутқларидан яхши таниш эди. Булар: СМТ — мудофаа системасидир; агар биз ядро қуролини йўқ қилиб юборсак, бундай қуролни қўлга киритиб олиши мумкин бўлган бирон бир телбадан ўзимизни қандай қилиб ҳимоя қила оламиз; СМТга оид ишларнинг натижаларини сизлар билан баҳам кўришга тайёрман, деган гаплардан иборат эди. Мана шу сўнгги мулоҳаза хусусида мен бундай дедим: президент жаноблари, сизнинг мана шу ғоянгизни — сиз СМТга оид ишларнинг натижаларини биз билан баҳам кўришингиз тўғрисидаги ғояни жиддий бир гап деб қабул қила олмайман. Ҳозир сиз ҳатто нефть асбоб-ускуналари ёки сут заводларининг асбоб-ускуналарини биз билан баҳам кўришни хоҳламаяпсиз-у, мана шундай бир пайтда СМТга оид ишланмаларни биз билан баҳам кўриш тўғрисидаги ваъдангизга бизнинг ишончимизга умид қилаяпсизми. Бу нарса қандайдир «иккинчи америка революцияси» бўлур эди, революциялар эса унчалик тез-тез бўлавермайди. Мен президент Рейганга: келинг, реалист ва прагматик бўлайлик, шундай бўлганимиз ишончлироқ, бу ўринда жуда жиддий нарсалар ҳақида гап боряпти, деб айтдим.

Хонаси келганда шуни айтиш керакки, кеча президент СМТ хусусидаги ўз позициясини оқлашга уриниб, бу программа унга Америка ва унинг иттифоқчиларини Совет ракеталари зарбасидан омон сақлаш учун керак, деган гапни айтди. Кўриб турибсизки, эндн телбалар рўкач қилинмади . Яна «совет хавфи» пеш қилина бошланди. - Аммо бу — ўтакетган найрангбозликнинг ўзи. Биз стратегик қуролларнигина эмас, АҚШ ва СССР ихтиёридаги ядро қуролларининг ҳаммасини ҳам йўқ қилиб ташлашни ва бу ишни қатъиқ контрол остида ўтказишни таклиф қилдикку, ахир.

Модомики шундай экан, «Американинг озодлигини», унинг дўстларини Совет ядровий ракеталаридан хавфхатарсиз сақлаш зарурлиги тўғрисидаги масала қаердан келиб чиқмоқда, — бу ракеталар бўлмайдику, ахир?

Агар ядро қуроли бўлмаса, ундан мудофаланишнинг нима ҳожати бор? Демак, «самовий урушлар» билан боғлиқ бўлган машмашаларнинг ҳаммаси нуқул милитаристик характерида бўлиб, Совет Иттифоқидан ҳарбий устунликка эришиш мақсадини кўзлайди.

Бироқ музокараларга қайтайлик. Гарчи стратегик қуроллар ва ўртача олислик ракеталари хусусида аҳдномага эришилган бўлса ҳам, дастлабки икки суҳбат натижасида бу масалаларнинг ҳаммаси узил-кесил ҳал этилди, деб ҳисоблашга ҳали эрта эди. Ҳали бутун кун бўйи, қарийб сакқиз соат мобайнида узлуксиз ва қизғин мунозаралар бўлиши керак эди. Бу мунозаралар чоғида келишиб олингандек бўлиб туюлган мана шу масалаларга қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келди.

Бу мунозараларда президент мафкуравий муаммоларга ҳам ўтишга уриниб, юмшоқ қилиб айтганда, социалистик дунё нима-ю, унда нималар содир бўлаётганлигидан мутлақо хабарсиз эканини ва буларни тушунмаслигини ошкор қилиб қўйди. Мен мафкуравий соҳадаги тафовутларни қуролланиш пойгасини тўхтатиш масалалари билан боғлаш йўлидаги уринишларни рад қилдим. Президентга ва давлат секретарига биз Рейкьявикда тўпланишдан кузатган мақсадга қайтишни сабот билан тавсия этдим. Таклифларимизнинг учинчисини суҳбатдошларга қайта-қайта эслатишга ва бу таклифни қабул қилмай туриб умуман бир битимга келишнинг иложи йўқлигини айтишга тўғри келди. Бу ўринда мен ракетадан мудофаа хусусидаги Шартномага қатъий риоя қилиш, мана шу жуда муҳим шартнома режимини мустаҳкамлаш ва ядро синовларини тақиқлаш зарурлигини назарда тутяпман.

Мутлақо равшан бўлиб кўринган нарсаларга қайта-қайта эътиборни жалб қилишга тўғри келди: биз ядро қуролларини тубдан қисқартириш билан шуғулланишга рози бўлдикми, шундай аҳволни вужудга келтиришимиз керакки, бунда амалда бир ёқда турсин, балки ҳатто хаёлда ҳам стратегик барқарорликни бўшаштиришга, аҳдлашувларни четлаб ўтишга уринишлар бўлмасин. Шу боисдан биз ракетадан мудофаа тўғрисидаги муддатсиз Шартнома сақлаб қолинишига қатъий ишонч ҳосил қилишимиз керак. Сиз, жаноб президент, дедим мен, шунга қўшилишингиз керакки, биз ядро қуролини қисқартиришга рози бўлаётган эканмиз, АҚШ СССРдан яширинча ҳеч нарса қилмаслигига, Совет Иттифоқи ҳам сизларнинг хавфсизлигингизни таҳлика остида қолдирадиган, битимни қадрсизлантирадиган, қийинчиликлар вужудга келтирадиган бирон нарсани АҚШдан яширинча қилмаслигига тўла ишонч бўлиши керак.

Ракетадан мудофаа режимини мустаҳкамлашдан иборат энг асосий вазифа эса мана шундан келиб чиқади. Ушбу программага мувофиқ ечимлар билан космосга чиқмаслик, лабораториялар доирасида қолиб туриш зарур. Ракетадан мудофаа Шартномасидан чиқиш ҳуқуқидан ўн йил фойдаланмаслик биз қуролярогларни қисқартириш проблемасини ҳал эта бориб, томонлардан ҳар бирининг хавфсизлигини таъминлашимизга қатъий ишонч яратиш учун зарурдир. Қолаверса, бутун дунёдаги хавфсизликни ҳам таъминлаган бўламиз.

Лекин америкаликлар бошқа нарсага тайёрланганликлари равшан эди. Биз АҚШ амалда ракетадан мудофаа тўғрисидаги шартномани зайфлаштиришни, ўзларининг ҳудбинлик мақсадларида кенг миқёсдаги ракетадан мудофаа космик системасини яратиш мақсадида уни қайта кўриб чиқишни истаётганлигини кўрдик. Бунга рози бўлиш —менинг томонимдан масъулиятсизлик бўлур эди холос.

Ядро синовларига келганда бунда ҳам Америка томони нима учун шу мавзудаги музокараларни жиддий олиб боришни истамаётганлиги ниҳоятда равшан эди. Америка томони бу музокараларни чексиз давом эттиришни, ядро синовларини тақиқлаш проблемасини ҳал этишни бир неча ўн йиллар орқага суришни афзал кўрган бўлур эди. Музокаралардан ядро портлатишлари соҳасида эркин иш кўришни ниқоблаш учун фойдаланиш йўлидаги уринишларни бизнинг неча марталаб рад этишимизга тўғри келди. Мен тўппа-тўғри шундай дедим: АҚШнинг позицияси ҳалоллиги хусусида менда шубҳалар пайдо бўлмоқда, — бу позицияда Совет мамлакатига зиён етказиши мумкин бўлган бирон нарса йўқмикан? Қўшма Штатлар ядро қуролларини такомиллаштиришни давом эттираверган тақдирда шундай қуролларни тугатиш тўғрисида қандай қилиб аҳдлашиб олиш мумкин? Шундай бўлса ҳам бизда асосий ишкаллик — СМТда деган таассурот қолди. Ана шу ишкалликни бартараф этиб, ядро портлатишларини тақиқлаш тўғрисида ҳам аҳдлашиб олиш мумкин бўлур эди.

Музокараларнинг муайян босқичида, мунозарани давом эттириш —вақтни бекўда сарфлаш эканлиги мутлақо равшан бўлиб қолганида мен: биз чора-тадбирларнинг муайян мажмуасини таклиф этдик ва уни кўриб чиқишингизни сўрайман, деб эслатдим. Модомики, биз сизлар билан ядро қуролини кўплаб қисқартириш мумкинлиги тўғрисида умумий позицияни ишлаб чиқиб, ракетадан мудофаа ва ядро синовлари тўғрисидаги масалада келишувга эриша олмаган эканмиз, у ҳолда биз бу ерда вужудга келтиришга уринган нарсаларнинг ҳаммаси барбод бўлади.

Президент билан давлат секретари бизнинг бундай қатъиятимизга ранжиброқ қарадилар. Лекин мен масалани бундан бошқача қўя олмас эдим. Гап мамлакат хавфсизлиги тўғрисида, бутун дунёнинг, барча халқлар ва қитъаларнинг хавфсизлиги тўғрисида бораётган эди.

Биз катта-катта, ҳақиқатан ҳам кенг миқёсли, ён босганлигимиз яққол кўриниб турган нарсаларни таклиф этдик. Биз ён босишларга рози бўлдик. Бироқ биз Америка томонининг бизга ҳам худди шундай жавоб қайтаришга, бизга ҳам ён босишга мутлақо истаги йўқлигини кўрдик. Боши берк кўчага кириб қолинди. Шунда биз учрашувни нима билан тугаллаймиз, деб ўйлай бошладик. Шундай бўлса-да, биз музокараларимизни амалий суҳбатга тортиш йўлидаги куч-ғайратларни давом эттиравердик.

Якуловчи деб мўлжалланган суҳбат тангликка учраб қолди. Шундай вазиятда биз Москвага, улар эса Вашингтонга жўнаб кетишимиз ўрнига яна бир танаффус эълон қилинди. Томонлар ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўриб, тушдан кейин яна бир марта учрашсинлар дейилди. Биз танаффусдан кейин шаҳар мэрининг уйига қайтиб келиб, учрашувни муваффақиятли тугаллашга яна бир марта уриниб кўрдик. Ижобий якун ясаш учун асос сифатида қўйидаги текстни таклиф қилдик.

Мана ўша текст:

«СССР ва АҚШ ракетадан мудофаа тўғрисидаги муддатсиз шартномадан чиқиш ҳуқуқидан 10 йил мобайнида фойдаланмаслик ва шу давр мобайнида шартноманинг барча қоидаларига қатъий амал қилиш мажбуриятини олган бўлур эдилар. Лабораторияларда ўтказиладиган тадқиқотлар ва синовлардан ташқари ракетадан мудофаа барча космик элементларининг космосдаги синовлари таъқиқланади.

Ана шу ўн йилнинг дастлабки беш йили давомида (1991 йилгача) томонларнинг стратегик ҳужум қуроллари 50 процент қисқартирилади.

Шу даврнинг кейинги беш йили мобайнида томонлар стратегик ҳужум қуролларининг қолган 50 процентн қисқартирилади.

Шундай қилиб, 1996 йилнинг охирларида СССР билан АҚШнинг стратегик ҳужум қуроллари батамом йўқ қилинади».

Мен бу текстни шарҳлаб, бизнинг биринчи суҳбатимиз охирида президентга топширилган ҳужжатга асосланиб, муҳим илова қилдим. Унинг моҳияти шундаки, 10 йил ўтгандан кейин, ядро қуроли тугатилганида биз махсус музокараларда бундан буён нима иш қилиш кераклиги тўғрисида ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Аммо бу сафар ҳам битимга келиш йўлидаги уринишларимиз натижа бермади. Биз тўрт соат мобайнида суҳбатдошларимизни бизнинг ёндашувимиз асосли эканлигига, бизнинг ёндашувимиз уларга ҳеч қандай хавф солмаслигига, АҚШнинг чинакам хавфсизлиги манфаатларига дахл қилмаслигига яна ишонтириб кўрдик. Лекин гап қанчалик чўзилгани сари америкаликлар СМТ программасига оид тадқиқотлар, ишланмалар ва синовларни лабораториядоирасида чеклаб қўйишга кўнмасликлари тобора равшанроқ бўлиб бораверади. Улар қурол билан космосга чиқишга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар.

Мен ўз қўлларимиз билан ракетадан мудофаа тўғрисидаги Шартномага путур етказишга ёрдам беришга биз ҳеч қачон рози бўлмаслигимизни қатъий қилиб айтдим. Бу биз учун принцип масаласи, миллий хавфсизлигимиз масаласидир.

Шундай қилиб, бутун ядро-космик даври учун тарихий бўлиб қолиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилишга деярли бир ёки иккиуч қадам қолганда биз ана шу қадамни ёки қадамларни қўя олмадик. Жаҳон тарихида бурилиш содир бўлмади. Ваҳолонки, шундай бурилиш имкони бўлганлигини яна бир бор комил ишонч билан айтаман.

Лекин бизнинг виждонимиз пок, бизга ҳеч нарсада таъна қилиб бўлмайди. Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик.

Бизнинг музокарадошларимизда кенг кўламдаги ёндашув, шу пайтнинг ноёблигини англаш ва пировард натижада ғоят муҳим энг йирик жаҳон проблемаларини ҳал этиш чоғида жуда зарур бўлган мардлик, масъулият, сиёсий қатъият етишмади. Улар замон синовига бардош бермаган ва ҳозирги реалликларга мос келмаётган эски позицияларида қолдилар.

Менга у ерда, Исландияда чет элликлар савол беришган эди, бу ердаги ўртоқлар ҳам шундай савол беришмоқда: Рейкьявикдаги учрашувда Америка делегацияси ўзини шундай тутиши сабабларини нимада, деб биласиз? Ҳам субъектив, ҳам объектив сабаблар кўп, — лекин энг асосийси шундаки, ана шу буюк мамлакат раҳбарлари ҳарбий саноат комплексига, монополистик группаларга ҳаддан ташқари қарамдирлар. Ҳарбий саноат комплекси ва монополистик группалар ядровий ҳамда бошқа қуролланиш пойгасини бизнесга, мўмай фойда олиш воситасига, ўзининг яшаш мақсади ва ўз фаолиятининг мазмунига айлантириб қўйишган.

Америкаликлар вазиятга бераётган баҳоларида инкита жиддий хатога йўл қўймоқдалар, деб ўйлайман.

Биринчиси —тактик хато. Улар Совет Иттифоқи эртами-кечми Американинг стратегик устунлигини тиклаш йўлидаги уринишларига кўниб, фақат Совет қуролларини чеклашга, фақат Совет қуролларини қисқартиришга рози бўлади, деб ўйламоқдалар. Гўё Совет Иттифоқи қуролсизланиш проблемаси юзасидан аҳдлашувга эришишдан АҚШга қараганда кўпроқ манфаатдорлиги учун шундай қилади, деб ўйламоқдалар. Лекин бу —чуқур янглишишдир. Америка маъмурияти мана шундай янглишишдан қанчалик тезроқ халос бўлса, улар учун ҳам, бизнинг муносабатларимиз учун ҳам, дунёдаги бутун вазият учун ҳам шунчалик яхши бўлади. Эҳтимол, мен бу гапни юзинчи марта айтаётган бўлсам керак.

Иккинчиси — стратегик хато. Қўшма Штатлар энг янги ва жуда қимматга тушадиган космик қуроллар пойгаси орқали Совет Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан силласини қуритишни истайди. Совет раҳбарлари учун ҳар хил қийинчиликларни вужудга келтиришни, уларнинг режаларини, шу жумладан социал соҳадаги, халқимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш соҳасидаги режаларини ҳам барбод этиб, шу тариқа халқда ўз раҳбарларига, мамлакат раҳбарларига нисбатан норозилик уйғотишни хоҳламоқда. Қолаверса, шу йўл билан Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари имкониятларини чеклаб қўйишни ҳам истайди, ана шундай вазиятда ривожланаётган мамлакатларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатларига таъзим қилиб боришга мажбур бўлур эдилар. Бу— олисни кўзловчи қора ниятлардир. Ҳозирги маъмуриятнинг стратегик йўли ҳам янглишиш асосига қурилмоқда. Афтидан, Вашингтондагилар бизнинг мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларни эътибор бериб анализ қилиш билан ўзларини уринтиришни хоҳламаётганга, ўзлари учун, ўзларининг йўли учун тегишли амалий хулосалар чиқариб олишни хоҳламаётганга ўхшайдилар ва истакларини ҳақиқат қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Ана шу хато асосида СССРга нисбатан сиёсатни юритмоқчи бўладилар. Бундай сиёсатнинг узоқ давом этадиган барча оқибатларини олдиндан кўриш қийин эмас, албатта. Бизга бир нарса ҳозиргинг ўзидаёқ равшан: бу сиёсат ҳеч кимга, шу жумладан Қўшма Штатларнинг ўзига ҳам ҳеч қандай яхшилик келтирмайди, яхшилик келтириши ҳам мумкин эмас.

Сизларнинг ҳузурингизда гапиришдан олдин мен АҚШ президентининг Рейкьявик тўғрисидаги баёнотини ўқиб чиқдим. Президент муҳокама этилган барча таклифларни ўзининг сатаётганлиги эътиборни жалб қилади. Нима ҳам дердик, ана шу таклифлар америкаликлар ва жаҳон халқлари учун шу қадар жозибали бўлса керакки, бундай айёрликни ҳам ишлатиш мумкин бўлибди. Бизни шуҳратпарастлик кемираётгани йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам одамлар Рейкьявикдаги ишлар ҳақиқатда қандай бўлганлигини билишлари муҳимдир.

Хўш, кейинчи? Мен матбуот конференциясида айтиб ўтганимдек, учрашувга қадар ҳам, у ерда, Рейкьявикда ҳам қилинган ишлар беҳуда кетмайди. Ана шу учрашув муносабати билан ўзимиз ҳам кўп нарсани обдон ўйлаб, кўп нарсани қайта кўриб чиқдик. Эндиликда биз тинчлик ва қуролсизланиш учун бундан буёнги қурашни авж олдириб бориш йўлини яхшироқ тозалаб қўйдик. Сиёсатимизнинг мана шу ғоят муҳим соҳасидаги янги ёндашувларга тўсқинлик қилиб турган уюмлардан, жузъий, майда-чуйда, сийқаси чиққан нарсалардан халос бўлдик.

Биз қаерда турганлигимизни биламиз, ўз имкониятларимизни яққолроқ кўриб турибмиз. Рейкьявикдаги учрашувга тайёргарлик бизга янги, дадил платформани, пировард мувафақиятга эришиш имкониятини оширадиган платформани таърифлашимизга ёрдам берди. Бу платформа жамият социалистик тараққиётининг янги босқичида халқимиз ва жамиятимизнинг манфаатларига мос келади. Шу билан бирга бу платформа бошқа барча мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади ва шу билан ишончга лойиқдир. Аминмизки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ва ғоят хилма-хил сиёсий ва жамоат доираларида шу платформа тушуниб, кутиб олинади.

Бутун дунёдаги ғоят кўпчилик, шу жумладан ҳукумат арбоблари ҳам Рейкьявикдан жиддий хулосалар чиқариб олишлари мумкин ва шундай хулосалар чиқариб олишлари шарт, деб ўйлайман. Гап нимада эканини, ядросиз дунё сари, ялпи хавфсизлик сари бурилиш ясаш ва ҳаракат қилиб бориш йўлидаги шундай куч-ғайратлар нима учун ҳозирча керакли натижа бермаётганлигини ҳаммасининг қайта ва қайта пухта ўйлаб кўришига тўғри келади.

Президент ҳам ҳозир анализимизнинг боришини, Совет Иттифоқининг муддаоларини, совет позициясидаги силжишларнинг имкониятлари ва чегараларини аниқроқ ва тўлиқроқ тасаввур қилади, деб умид қиламан. Жумладан, шунинг учун аниқроқ ва тўлиқроқ деб айтаяпманки, Рейган жаноблари халқаро вазиятни барқарор қилиш ва соғломлаштириш манфаатлари йўлидаги бизнинг амалий тадбирларимиз юзасидан изоҳларни биринчи манбадан олди.

Афтидан, Америка раҳбарларига муайян вақт керак бўлади.

Биз реалистлармиз ва шуни равшан англаймизки, кўп йиллар, ҳатто ўн йиллар мобайнида ҳал этилмаган масалалар бир ўтиришда ҳал этилиб қолиши амри маҳол. Бизда Қўшма Штатлар билан иш юритишдаги тажрибамиз ҳам оз эмас. У ерда ички сиёсий иқлим қанчалик ўзгарувчан бўлишини, океаннинг нариги томонида тинчлик муҳолифлари қанчалик кучли ва нуфузли эканликларини биламиз. Буларнинг ҳаммаси биз учун янглиқ ҳам, кутилмаган ҳол ҳам эмас.

Биз ҳафсалани пир қилмай, эшикни қаттиқ ёпмаётган, асабларимизга эрк бермаётган (ҳолбуки, мана шуларнинг ҳаммаси учун асослар ошиб-тошиб ётибди) эканмиз, ядро даврида давлатлараро нормал муносабатларни барпо этиш йўлида янги куч-ғайрат сарфлаш зарурлигига астойдил ишонганлигимиз учунгина шундай қилмоқдамиз. Бундан бошқа йўл мутлақо йўқ.

Яна бир гап: Рейкьявикдан кейин машъум СМТ тинчлик ишига тўғаноқ рамзи сифатида, милитаристик режаларнинг, инсониятга таҳдид солиб турган ядровий хавф-хатарни бартараф этиш истаги йўқлигининг мужассам ифодаси сифатида ҳамманинг кўз ўнгида яна ҳам кўпроқ намоён бўлиб қолди. Буни бошқача қабул қилиб бўлмайди. Бу — Рейкьявикдаги учрашувнинг жуда муҳим сабоғидир.

Ана шу ғоят тиғиз кунларнинг қисқача якунини чиқара туриб, мен уни шундай хулосалаган бўлур эдим. Бўлиб ўтган учрашув — катта воқеа. Позициялар қайта баҳоланди. Сифат жиҳатдан ўзгача вазият вужудга келди. Энди ҳеч ким шу пайтгача ҳаракат қилиб келганидек ҳаракат қила олмайди. Учрашув фойдали бўлди. У олға томон эҳтимол тутилган қадамга, АҚШ, ниҳоят, реалистик позицияларга ўтган, бериладиган баҳоларда хом хаёллардан воз кечган тақдирда, яхшилик томон реал силжишга тайёргарлик бўлди.

Бу учрашув бизда танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига, ядро даврида янгича сиёсий фикрлаш зарурлиги ва унинг конструктивлигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Биз ғайрат-шижоат ва қатъиятга тўлиб-тошганмиз. Мамлакат қайта қуришни бошлаб юбориб, ҳозирдаёқ муайян йўлни босиб ўтди. Биз ишни эндигина бошлаган бўлишимизга қарамай, силжишга эришилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 9 ой ичида 5,2 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 4,8 процент ошди. Ҳосил қилинган миллий даромад 4,3 процент кўпайди.

Мана шу барча кўрсаткичлар бу йилги план кўрсаткичларидан юқоридир. Бу эса халқимиз томонидан берилаётган энг қудратли мададдир, чунки буларнинг ҳаммаси халқимиз меҳнатининг самарасаридир. Бу — партия сиёсатига берилаётган энг қудратли мадад — иш билан берилаётган мададдир.

Бу эса, халқнинг янги шароитдаги меҳнати мамлакатнинг иқтисодий потенциалини тезроқ кўпайтириш имконини беришини, шу тариқа унинг мудофаа имкониятларини мустаҳкамлашни кўрсатиб турибди.

Совет халқи, совет раҳбарлари социализм сиёсати фақат тинчлик ва қуролсизланиш сиёсати бўлиши мумкин ва лозим деган якдил фикрдадирлар. Биз КПСС XXVII съезди белгилаган йўлдан қайтмаймиз.

Китоблар оламида

СЕКЦИЯ ЮБИЛЕЙИ



Ўзбекистон Китобсеварлар кўнгилли жамиятининг республика правленияси қошида жаҳон ҳажмли китоблар нашрлари ишқибозларининг секцияси ташкил қилинганди. Ўзбекистонда ана шундай кичик ҳажмли биринчи китоб 1942 йилда Улуғ Ватан уруши даврида нашр қилинган эди. Бу—Иосиф Уткиннинг «Қаҳрамонлар ҳақида шеърлар» китобидир. Бу нашр 69х90 миллиметрли размерда 84 бетдан иборат бўлиб, 12 минг нусхада чоп этилганди. Айни кунларда бу нашр нодир нашрлардан бири саналади. 1970 йилда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан ўзбек тилида «Ленин В. И. Ёшлар союзининг вазифалари (1920 йилнинг 2 октябрида Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг III Бутунроссия съездида сўзланган нутқ)»ни 60х81 миллиметрли жажжи ҳажмда 250 нусхада чоп этди. Ушандан буён жажжи китобчалар — миниатюралар кенг китобхонлар оммаси ўртасида шуҳрат қозонди. 1976 йил ана шундай жажжи нашрлардан тўртта, 1977 йилда учта, 1978 йилда 16 та, 1979 йилда эса 12 та тайёрланди. Ана шундай жажжи китобчалар мухлислари қардош республикалар, шунингдек кўпгина мамлакатлар китобсеварлари билан мунтазам алоқада бўлиб келмоқдалар.

Бизнинг секциямиз 12 та коллекциячидан ташкил топган. Секция аъзолари республикада ана шундай жажжи нашрларни тайёрлаш, безаш, шунингдек таҳрир ишларида фаол қатнашмоқдалар. Секцияни республиканинг кекса журналистларидан бири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти редактори Давид Абрамович Биховский бошқармоқда. Секция аъзолари республиканинг шаҳар ва районларига сафарлар уюштириб туришади, ўз ишлари, коллекциялари ҳақида одамларга, радио, телевидение орқали, газета ва журналлар орқали мунтазам ахборот бериб турадилар.

Масалан, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги нишонланган 1980 йилда Округ офицерлар уйида «Ленинноманинг жажжи нашрларда ифодаси» кўргазмаси ташкил қилинганди. Шу кўргазманинг Д. Биховский тайёрлаган жажжи каталоги ҳам нашр қилинганди.

1986 йилнинг 21 февралида Туркистон ҳарбий округи тарихи музейида КПСС XXVII съездига бағишланган жажжи китоблар кўргазмаси ташкил қилинганди. Бу кўргазма тўрт ой давомида намойиш этилди. Кўргазманинг биринчи «Тинчликни сақлаймиз» қисми тўрт бўлимдан иборат бўлиб, бу бўлимларнинг биринчиси «Доҳийнинг ўлмас сатрлари» — В. И. Ленин асарларининг жажжи нашрларидан ташкил топгандир. Иккинчи бўлим — «Абадий барҳаёт» эса В. И. Ленин ҳақидаги митти китобчалардан, учинчи бўлим эса «СССР — тинчлик таянчи» номи билан тинчлик ва мамлакатимизнинг қуролсизланиш йўлидаги курашига бағишланган китобчалардан ташкил топган эди. Кўргазманинг тўртинчи қисми эса Тошкент, Москва ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида нашр этилган ҳар хил жажжи китобчалардан тузилган эди. Кўргазмада ҳаммаси бўлиб 300 та ана шундай китоблар намойиш қилинганди.

Секциямиз ҳар ойда бир марта йиғилиш ўтказади. Бу йиғилишларда жажжи китоблар —миниатюравий нашрлар сифатини ошириш ва уларни коллекция қилиш масалалари муҳокама қилинади.

Н. НОРҚУЛОВ,
Китобсеварлар кўнгилли жамиятининг республика правленияси қошидаги миниатюравий нашрлар секциясининг раис ўринбосари.

СУРАТЛАРДА: жажжи ҳажмли китоблар.

Жонажон Ватан бўйлаб

(ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР).

Олмаота области. «Нурли» янги совхозининг марказий усадьбасида бунёд этилган чиройли уйларга 280 оила кўчиб кирди. Бу ерда Бартоғай сув омбори ва катта Олмаота канали қурилиши нишоясига етказилди.

СУРАТДА: катта Олмаота канали суви «Нурли» совхози далаларига оқмоқда.

И. Будневич ва М. Венгловский фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● ЕРЕВАН. Ереван электротехника заводи янги авлод асинхрон электр моторларни ишлаб чиқаришга киришди. Илғор техника ғоятда тежамли ва пухта ишлайди. Конструкция принципал ўзгарганлиги туфайли металл сарфи қарийб чорак ҳисса камайди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлар халқаро иқтисодий ташкилоти «Интерэлектро» мутахассислари ёрдамида ишлаб чиқилган янгилик совет экспорти рўйхатига қўшилади. Корхона техника жиҳатидан қайта жиҳозланиши билан бир пайтда унинг маҳсулот турлари ҳам янгиланиб бормоқда.

● КОХТЛА-ЯРВЕ. Эстонияда ёнувчи сланец қазиб олинган эски разрезлар ўрнида ёш дарахтзорлар пайдо бўлди. Ёқилғи қазиб олишда, бузилган ерларни тиклашда кончилар билан бирга Кохтла-Ярве ўрмон хўжалигининг коллективи ҳам қайғурмоқда. Хўжалик йиллик кўкаламзорлаштириш планини муддатидан илгари бажарди. Бу ерда яроқсиз жинс уюми тепаликларини чимзор қилиш самарали усули қўлланмоқда. Шу беш йилликда собиқ «ой манзараси» ерларида дов-дарахт кўчатларини ўтказиш ҳажми бир ярим баравар кўпаяди, чунончи бундай массивларни қимматли дарахтзорлар билан кўкаламзорлаштиришга асосий эътибор берилмоқда.

● БАРНАУЛ. Олтой деҳқонлари давлатга ғалла сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажардилар. Сибирдаги энг катта ғалла хўжаликлари омборларга 3 миллион 160 минг тонна дон тўкдилар. Шундан 1 ярим миллион тоннадан кўпи олий сифатли буғдойдир. Олтой бундан аввал ҳеч қачон шу қадар сифатли дон бермаганди. Зона деҳқончилиги системаларини жорий этиш, интенсив технологияни кенг қўламда қўллаш, ўрим-йиғим конвейери барча бўғинлари ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш ҳисобига муваффақиятга эришилди. Давлатга олтой ғалласини сотиш давом этмоқда.

● КОРОСТЕНЬ. (Житомир области). Коростень иссиқлик тармоқлари корхоналарининг мутахассислари паст сорт кўмирдан самарали фойдаланиш йўлини топдилар. Улар микрорайонларнинг бирида қозонхонани қайновчи қатламда шундай ёқилғи ёқиш учун қайта жиҳозладилар. Бунинг учун кўмир олдин майдаланади, печга эса кучли ҳаво оқими берилади. Бундай технологияда кўмир анча интенсив ёниб, кўпроқ иссиқлик беради. Бир қанча областлар коммунал хўжалигининг ходимлари бу тажрибага қизиқиб қолдилар: Украина шаҳарларида уч юздан кўп қозонхонани паст сорт ёқилғи ёқадиган янги технологияга ўтказиш мўлжалланади.

Свердловск области. Ўрмонлар бу йил кўзиқорин кўп ҳосил берди. Бундай паллада тоза ҳавода табиат гўзаллигидан баҳра олиб кўзиқорин териш завқлидир.

СУРАТДА: Свердловск шаҳридаги 36-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Сергей Снтов кўзиқорин термоқда.

А. Семехин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

● МОСКВА. СССР Госстройи қурилиш физикаси илмий тадқиқот институти олимларининг ечими мамлакатимиз шимолидаги шаҳарларнинг уйларида иссиқни сақлашда ёрдам беради. Олимлар уй-жой биноларини термоизоляция қилиш янги қурилиш нормаларидан келиб чиқиб, дераза ойналарини уч қават қилишни таклиф этдилар. Уларнинг бу таклифи уй қуриш технологиясида баъзи ўзгаришлар бўлишини тақозо этади. Бироқ, ишнинг самараси бунга арзийди: биноларни иссиқ тутиш янги нормативлари улардаги иссиқ сақлаш даражасини 30 процент оширишга имкон беради. Бу нарса мамлакат миқёсида юз минглаб тонна ёқилғи тежалганлиги билан баравардир.

● КИРОВСКОЕ (Қрим области). Киров районидаги «Украина» колхозининг чорвачилик комплексида янги соғилган сут сув иситиш учун энергия манбаи бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун бу ерда оригинал қурилма ишлатилган. Янгиликдан фойдаланиш туфайли хўжаликда бир йил ичида 250 минг киловатт-соатга яқин электр энергияси тежалди. Райондаги яна бир неча хўжалик фермаларини шундай термонасос станциялари билан жиҳозлаш мўлжалланади.

● МИНСК. «Минск сабзавот фабрикаси» совхозида Белоруссияда биринчи женьшензор барпо этилди. Бу иш Марьина Горка шаҳрида яшайдиган В. Борисевич номи билан чамбарчас боғланган. Василий Александрович етмишдан ошганлигига қарамай дори «полизини» ташкил этишда қатнашди. У хўжаликка шу экин уруғлари ва кўчатларини берди, амалий ёрдам кўрсатди. Ҳозирча женьшензор 800 квадрат метр майдонни эгаллаб турибди. Лекин келаси йилиёқ у бир гектаргача кенгаяди. Женьшендан ташқари бошқа доривор ўсимликлар ҳам экиш мўлжалланади.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Сиз бунга нима дейсиз?

Шаҳримиз гўзалдир, билсангиз...

Кечки пайт ишдан сўнг Навоий театри майдонидаги бешта шалолали оппоқ фонтан атрофида бироз сайр қилдим. Манзара ёқимли, ҳаво тоза.

Шу чоғ Марказий универмаг томондан келаётган кўҳли бир аёл эътиборимни тортди. Кийиниши чиройлигу, қўлида катта, оғир сумка— харид буюмлари билан тўлган. Бироқ у ҳеч ёққа қарамайди. Чеҳрасида ноаниқ ифода. Сумкани у қўлидан бу қўлига олади, холос. Негадир шу аёлни саволга тутгим келди. Сумкасининг бир томонидан кўтаришган бўлиб, ёнма-ён бордим.

— Опа, кечирасиз. Шу... Тошкентда яшайсизми?

— Ҳа!

— Мана шу чиройли бино ҳақида нима биласиз?

Аёл менга ялт этиб қаради. Шуниям билмайсизми, дегандай чимирилди.

— Бу— Навоий театри-ку. Катта театр. Ҳамма билади.

— Ҳеч келганмисиз, шу театрга?

— Бе-е, вақт қаёқда? Тирикчилик дегандай, ҳеч ортмаймиз.

— Ҳамза театрига-чи?

— Йўқ, унгаям тушмаганман. Телевизорда кўриб турамиз, унча-бунча.

Шу орада театр хиёбонидаги чиройли гулзор ёнига келдик.

— Сумкангизни қўйинг опа, шу ерда бироз тўхтайлик-а, — дедим унинг эътиборини гулзорга тортиб.— Қаранг, бахмал гуллардан шундай чиройли «гилам» яратишипти. Турли шаклларга турли гуллар қанча маҳорат, дид билан экилган. Бу — не-не гулчи аёлларимизнинг меҳнати, санъати, диди деса бўлади. «Шу ердан ўтган ҳар бир йўловчининг кўзи қувонсин, баҳра олсин» деб гулчи аёлларимиз шундай гўзал гулзор барпо этишган. Ҳар куни меҳр билан парваришлаб, сув беришади.

Аёл сумкасини менга қўриқлатиб, ўзи гулзор атрофида айланиб, хўп томоша қилди. Оппоқ юзида ўзгариш пайдо бўлди. Қоп-қора йирик кўзларида нимадир йилт этди.

— Ҳа-я, ҳақиқатан ҳам чиройли экан, бу гулзор,— деди у. — Шунча ўтиб ҳеч эътибор бермабман-а. Товба!

Ҳа, азиз ҳамшаҳарлар, биз кўп нарсаларга эътибор бермаймиз. Кўн сайин қад ростлаётган шинам биноларга, янги-янги кенг, улуғвор, проспектларга, ям-яшил арчалару кўчалар ва хиёбонларда, маъмурий бинолар ёнида яратилган чаман-чаман гулзорларга, дам олиш майдончаларига эътибор бермаймиз. Кўзимиз тушса ҳам лоқайд, бепарво ўтиб кетаверамиз.

Меҳнаткаш халқ учун меҳнаткаш қўллар яратаётган гўзалликлардан нега завқ-шавқ ола билмаймиз? Ҳар бир гулда, ҳар бир бўялган ўриндиқларда, ҳар бир мармар зиналарда партия ва давлатимизнинг сизу бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги, халқимизнинг меҳнати, диди акс этиб турибди.

Шаҳримиздаги кўп қаватли уйлар ёнида кимлардир шинам боғлар, гулзорлар яратган. Баланд, чиройли ишкомларга узум новдаларини қизнинг қирқ кокил сочидек тараб қўйган. Соғлом узумлар олтиндек товланиб пишиб ётибди. Барака топсин, шу уйда яшайдиганлар! — деб ўтиб кетасиз, беихтиёр. Бироқ баъзи бировлар ўзлари яшайдиган, нафас оладиган уйи атрофига на бир туп дарахт, на бир туп гул экади. Ишдан қайтгач, бекорчиликдан зерикиб, ҳомуза тортиб ўтирса —ўтираверсин-ки, аммо бир парча ерни яшнатиб, шундан завқ олишни ҳаёлига келтирмайди, ё истамайди.

Бизнинг 1-Қорасув массивидаги 1-уйда Игорь Чугунов деган инсон яшайди. У Тошкент трактор заводида инженер. Аммо бўш қолди дегунча шу уй атрофида қуйманиб юради. Ер юзини очади, дарахтларни парваришлайди, ортиқча бутоқларни кесади. Уйининг ўнг ёнбошида бўш ётган тошлоқни тозалаб, кўм-кўк боғ яратди. Дастлаб у ўтқазган ниҳолларни болалар синдириб кетишди, мол-қўй ғажиди. Бироқ Игорь Чугунов яна ниҳол экди. Ҳар бир ниҳол ўзини тутиб олгунча атрофини кичкина панжара билан ўраб, кунда суғорди. Касалликлардан ҳимоя қилди. Боғ яшнаб кетди. Дам оладиган салқин хиёбон бўлиб қолди.

Игорнинг боғида, унинг қўли теккан, сув сепилган салқин, тоза йўлкаларда ҳар куни бир айланиб, яйрайсиз. Унинг шаънига илиқ сўзлар айтамиз. Қани энди, Игорга ўхшаган қўли гул йигитлардан ҳар бир подъездда, ҳар бир уйда бўлса. Ўзининг квартираси, подъезди рўпарасига бир челак сув сепиб, бир туп ниҳол ўтқазмаган одамлар ҳам бор. Ахир азиз дўстлар, озгина ҳафсала қилиб, кўзларимизни яшнатиш, дилларимизни қувонтириш, чанг-ғубордан ҳоли яшаш ўз қўлимиздаку!

Дарвоқе, ҳалиги аёл билан Тошкент метросининг Ленин номли станциясига тушиб бордик. Мен ундан бу ер ости қасрининг ўзига хос кўрки, салобати, қатор-қатор юзлаб қандиллари, баланд ўймакор устунлари, пештоқларга зарб этилган ганч гуллари ҳақида таъриф-тавсиф кутдим. Йўқ, унинг хаёллари яна сумкасида.

Ажабо, ҳар қадамда гўзалликка дуч келиб, шу гўзалликлардан фойдаланиб, таъсирланмаймиз-а! Ахир бу қасрлар ҳам санъат асари, қанчадан-қанча ижод заҳматлари бор буларнинг замирида. Аёл поездга ўтириб, сумкасини бағрига босганча ўз манзили сари кетди.

Она шаҳримиз гўзаллигини юракдан ҳис қила билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаганига ачиндим. Ҳа, азиз юртдошим, Сиз ақллар, талантлар яратган ноёб асарларни томоша қилиш учун санъат музейига, рассомларнинг асарлари кўргазмаси саройига, Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасига борганмисиз? Ҳар бири бир дунё-ку улар. Сиз Комсомол қўлида, Ғалаба боғида, Пушкин майдонида сайр қилиб дам олганмисиз? Бу ердаги кўм-кўклик яратилган имкониятлардан баҳра олганмисиз? Ҳа! — деб баралла айтувчилар кўп. Аммо бу саволларимизга елка қисиб, лаб, буриб қўя қоладиган ҳатто саволимиз малол келадиганлар ҳам топилади.

Карл Маркс кўчасидаги эски универмаг ўрнида яратилган дам олиш хиёбонини кўрдингизми? Музқаймоқ еб ширин ичимликлар ичадиган ўнлаб истироҳат майдончалари ташкил этилганини ҳис этдингизми? Халқлар дўстлиги майдонида сайр этиб, бу ерда Шомаҳмудовлар оиласи шаънига, яъни инсон меҳрига, шафқатига қўйилган ҳайкаллар ансамблига разм солиб, чуқур ўйга толдингизми? Яъни, мен одамларга, табиатга, шу азиз тупроққа меҳр кўрсата олдимми, деб ўз-ўзингизни сўроқладингизми?

Тошкентни не-не шаҳарлардан чет эллардан, узоқ областлардан атай кўргани келишади. Завқланишади. Суратга олишади. Ён дафтарларига Тошкент чиройи ҳақида ёзиб кетишади. Боргач, Тошкент ҳақида ўнлаб асарлар битишади. Биз-чи, биз нима биламиз, Тошкент ҳақида? Биз нима қилаяпмиз, Тошкент учун? Қандай завқ олаяпмиз Тошкентимиз чиройидан?

Айтинг, айтинг, Тошкентимизга келган меҳмонлар турар-жой массивларига, маҳаллаларга боришмасин-да. Улар нонвойликда, қандолатпазликда, тўқувчилик ва ошпазликда жаҳонга танилган тошкентликларнинг шундоқ уйлари рўпарасида ахлат уюмлари «барпо» этишганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашлари мумкин. Қайси дид, қайси фаросат билан ўзимиз яшайдиган, болаларимиз ўйнайдиган, ҳар куни шу ердан ишга ўтиб борадиган йўлкалар, майдон ва кўчаларга ахлат уйиб қўямиз?!

Табиий чиройга раҳна солувчи шундай кишиларга қатъий чора кўриш, катта миқдорда жарима солиш керак. Ҳа, ана шундагина биз хиёл зийрак, хиёл инсофли бўламиз. Ахир ҳар куни ахлат ташийдиган машиналар сигнал чалиб келиб туради-ку!

Болгариянинг Варна шаҳрида, Кисловодскда, Волга бўйидаги қатор шаҳарларда бўлганимда кўчаларнинг тозалигига, гуллар кўплигига қойил қолдим. Бизнинг шаҳардагидек уюм-уюм ахлатларга сира кўзим тушмади. Тўғри, Тошкентимизнинг катта-катта марказий кўчалари тоза. Бироқ хиёл четроққа чиқсангиз — таъбингиз албатта хира тортади. Шу кўчаларни супириб-сидирадиган ўнлаб, юзлаб фаррошлар бор. Ҳукуматимиз уларга маош тўлайди. Аммо, улар ўнг томонни чангитиб супириб, чап томонга ахлат уйиб кетаверишади. Бизнингча ўша фаррош аёллар ишини қаттиқ назоратга олиш керак.

Турар жой массивларида, мактаблар, болалар боғчалари ҳовлисида гулзорлар, боғлар ташкил этиш керак. Шаҳримиздаги баъзи мактаблар, болалар боғчалари атрофи, ҳовлиси гулзор, дарахтзор. Аммо жуда кўп мактаблар, боғчалар ёнидан ўтсангиз — унинг биноси атрофидаги, кенг ҳовлидаги тартибсизликларни ва турли чиқиндилар сочилиб ётганини кўриб, ажабланасиз.

Шаҳримиз гўзал, чиройли. Унинг ҳуснини очиш, ундан баҳра олиб, завқланиб, масза қилиб яшаш ҳар биримизнинг дидимиз ва хафсаламизга боғлиқ. Шаҳримизни севиб, ардоқлайлик. Ҳар бир дўстимиз, меҳмонимизга азиз Тошкентимизни ўз қўлимиз билан обод этган Тошкентимизни ифтихор ва ғурур билан кўз-кўз қилайлик.

Сиз нима дейсиз-а, қадрли ҳамшаҳарлар? Сизнинг маҳаллангизда, Сиз яшаётган жойда шаҳримиз чиройига чирой қўшадиган қандай ишлар бўлаяпти?

Санъат МАҲМУДОВА.

САХОВАТ

Атрофи сарвқомат тераклар билан ўралган мактаб дарвозаси ёнидан ўтаётган қариялардан бири қўлини ишора қилиб гапирди:

— Кўрдингизми, ҳовлидаги чўғдай товланиб турган мана шу гулларни Мусавой барака топгур эктирган, ҳар бир кўчада, ҳовлида бу гуллар биринчи қор ёққунча очилиб туради.

Ҳа, Чилонзор районидаги «Москва» ва «Тинчлик» маҳаллаларида Мусавой Тешабоевнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Мусавой ака Ленин номидаги 200-мактабда ўқувчиларга 40 йил биологиядан дарс берди. У болаларда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотди, она заминда мўъжизалар яратиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Кўп йиллар мобайнида тажриба участкасида сабзавот экинлари, дуккакли экинлар, техника экинларини парвариш қилиш бўйича тажриба-кузатув ишлари олиб борди.

Мусавой Тешабоев мулойим, камсуҳан, камтарин инсон. Унинг ажойиб хислатлари ҳақида ҳамкасблари, маҳалла оқсоқоллари, шогирдлари мароқ билан гапиришади. Қуйида уларнинг дил сўзларини ўқинг:

Восиқ Ваҳобов —200-мактаб директори, СССР халқ маорифи аълочиси:

—Мусавой ака чинакам табиат ошиғи. У биология дарсларини кўргазмали, жонли ўтказиш билан болаларда билимни эътиқодга айлантиришга эришиб келди. Мактабимизда йил бўйича тажриба-кузатув ишлари ўтказилади. Теплицада ўнлаб гул турлари, кўчатлар парвариш қилинади. Сўнгра ўн йил мобайнида Мусавой ака ўз шогирдлари билан Чилонзор районидаги мактаб ва болалар боғчаларига «Салвия» гул кўчатлари ва уруғларини етказиб берди. Табиат ошиғининг меҳнатлари табиатни муҳофаза қилиш Тошкент шаҳар жамиятининг жуда кўп диплом ва ёрлиқлари билан тақдирланди.

Мусавой Тешабоев синф раҳбари, сифатида ўқувчиларнинг касб танлашларида ота-оналар билан тил топиб ишлади. Болалар қобилиятларига кўра касб танлашларида тўғри маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатди.

Зокиржон Солиҳонов — «Тинчлик» маҳалла комитети аъзоси, Ленин ордени кавалери:

— Мусавойни ёшлик чоғидан биламан. У отасига ўхшаб тиришқоқ, ишбилармон бўлиб етишди. Мен кўп йил мобайнида колхозда меҳнат қилган механизатор сифатида шуни айтмоқчиманки, кейинги йилларда деҳқончилик маданияти ошди. Бунда Мусавойга ўхшаш ўқитувчилар, агрономларнинг ҳиссаси катта.

Инсондан дунёда нима қолади? Албатта, кишининг яхши ишлари, элга қилган хизмати, яхши номи қолади. Мусавой маҳалла тўй-маъракаларида бош-қош. У маданият ишлари сектори бошлиғи сифатида янгича анъаналарни жорий этишда, тўйларни тартибли, камчиқим қилиб ўтказишда бевосита қатнашиб келаётир.

Ҳаким Туропов— химия фанлари кандидати:

— Мен азиз ўқитувчим Мусавой аканинг ҳар бир дарсини жон қулоқ бўлиб тинглаганман. Куртакларнинг очилиши, дарахт баргларининг хосиятларини табиат китобини ўқигандай ҳикоя қилиб берганлар. Ҳурматли устозимиз ишчанлиги, ўз касбига фидойилиги билан бизда жуда яхши таассурот қолдирган. Менга ўхшаган кўплаб шогирдлари қишлоқ хўжалиги, фан ва халқ маорифи соҳасида хизмат қилаётир. Устознинг Карима Ашурова, Озода Валиева, Насиба Қурбонова сингари шогирдлари шу мактабда болаларимизга биологиядан дарс беришаётир.

Яхшидан боғ қолади, дейишади. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси ўқитувчиларнинг республика ва Бутуниттифоқ съездлари делегати Мусавой Тешабоев экқан саҳоват уруғлари барқ уриб ўсаётир. Табаррук ўқитувчи уларни кўрганда ўз касбидан фахр туйғуларига тўлиб қувонмоқда.

Ғ. МАННОПОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Нега жимсан, чу саманим, чу...

Т. Каримов фотоэтюди.

РАССОМЛАР—БОЛАЛАРГА

Тинчлик учун кураш мавзуида яратилган картиналар орасида болалар руҳий оламини акс эттирувчи қатор асарлар ҳам бор. Республикамиз мўйқалам усталари чизган бу расмларда бахтли болалик улуғланиб, қонли уруш даҳшати лаънатланади.

Таниқли рассом Ф. Кагаров яратган «Биз мусаффо осмонни истаймиз», «Болаларга— тинчлик» каби тематик картиналарида олиҳаноб ғоялар илгари сурилади. Шунингдек, мўйқалам усталаридан Н. Пак, И. Рубинларнинг «Америка болалари», «Уруш йўллари бўйлаб» расмларида тинчлик учун кураш мавзуси ўзига хос бадиий композицияларда акс эттирилди.

Болаларга бағишланган бу ва шу каби бошқа картиналар энг яхши ижод намуналари сифатида «Рассомлар — болаларга» деб номланган кўргазмадан кенг ўрин олди. Ўзбекистон ССР маданият министрлиги ва республика Рассомлар союзи томонидан ташкил этилган бу композиция намойиш учун Самарқандга юборилди.

С. ОДИЛОВА.

Бувижон, ўқиб беринг

ЧУВАЛЧАНГ

Танламаймиз ихтисос,
Бизда ҳамма бир касбда.
Умр бўйи лой титиш
Фақат бизга насибда.

ФУТБОЛДА

— Типратикан майдонга
Тиканнигни ечиб туш.
— Кирпи тушса тикансиз
Командада қолмас куч.

ОСОН ИШ

Нима бўпти Марсга учиш,
Бу жудаям осон иш.
Билиш лозим шуни фақат,
Марсда борми шоколад?

ҚИРҚОЕҚ

— Жимитдай жониворнинг
Қирқта экан оёғи.
— Оёғи кўп бўлса-да
Биттаям йўқ бармоғи.

Зуфар СУЛТОНОВ.

ТУХУМ ЛАЗЗАТИ— ТАОМ ҚУВВАТИ

● Тухумни бир-икки даража иссиқда, ингичка учини пастга қаратиб, қуруқ ва тоза ҳолда сақлаган маъқул. Тухумни ўткир ҳидли маҳсулотлар билан ёнма-ён қўйманг, у ҳидни жуда тез «ютади» ва таъми бузилади.

● Тухумни узоқ муддат сақламоқчи бўлсангиз тузли эритмага (1 литр сувга 20 грамм туз) солиб қўйинг, айнимайди.

● Тухумни сувда қайнатаётганингизда ёрилмасин десангиз идиш тубига ликопчани тўнкариб қўйинг.

● Мабодо ёрилган тухумни сувда қайнатиб пиширмоқчи бўлсангиз, уни жуда ҳам шўр сувга ташлаб олинг ёки ёриғига лимон суви суркаб қўйинг.

● Тухумнинг янги ёки эскилигини текшириб кўрмоқчи бўлсангиз тузли сувга (1 литр сувга 100 грамм туз) солиб кўринг. Янги тухум чўкади, эскиси эса сув юзига қалқиб чиқади.

● Баланд оловда қайнатилган тухумнинг оқи қатиқ, сариғи суюқроқ, паст оловда қайнатилгани бўлса аксинча бўлади.

● Совуқ сувли банкага солиб қўйилган тухум сариғини узоқ муддат сақлаш мумкин.

М. НАВРЎЗОВА.

ХАНДАЛАР

КЎЗОЙНАКЛАР

— Отамнинг бир ўзида учта кўзойнак бор.
— Учта! Нега!...
— Биттаси яқинни кўришга, иккинчиси эса узоқни. Учинчиси-чи!
— Иккаласини қидириш учун...

ВОЙ, ЧАТОҚ-КУ!

— Ғи, кеча буфетда икки дона олма бор эди. Бугун битта олма қолибди. Нега бундай!
— Эй, чатоқ бўлибди-ку. Мен қоронғида иккинчисини кўрмапман-да.

ГРАММАТИКА ДАРСИДА

Грамматика дарсида ўқитувчи Ғига буюрди:
— «От аравага қўшилган» деган гапни буйруқ формасида айт!
Ғи бир оз ўйлаб олгач:
— Чу! — деб юборди.

ЯХШИ ПАЙТ

Бир куни ўқитувчи ўқувчиларга йилнинг тўрт фаслини тушунтирарди:
— Баҳорда далалар гулларга бурканиб, жуда чиройли бўлади.
Ёзда жуда иссиқ бўлади, кузда эса пишиб етилган мевааларни теришади, дарахтлардан барглар тўкилади.
Жак ўқитувчининг гапига қулоқ солмасдан ўртоқларн билан гаплашиб ўтирарди. Ўқитувчи Жакдан сўради.
—Жак менга айт-чи, мевааларни қачон теришар экан!
— Боғбон уйидалигида, боғда ит бўлмаганда, — деди Жак.

Французчадан С. МУСАЕВ таржимаси.

ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Республикамиз киноҳужжатчилари Ўзбекистоннинг таниқли олим ва санъаткорлари ҳақида қатор фильмлар яратишмоқда. Уларнинг «Бир оқшом ва бир умр» номли янги картинаси СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Галия Измайлованинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланади.

Бу моҳир раққосанинг номи республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Санъаткорнинг «Жаҳон халқлари рақслари» программасини ўттиз беш мамлакат томошабинлари кўриб, баҳраманд бўлишган.

Фильм авторлари Галия Измайлова рақсларидаги жозибани, ҳаракатлар уйғунлиги ва нафосатни кўрсатиб беришга интилишган.

Бундан ташқари томошабинлар санъаткорнинг балет санъатидаги фаолияти билан ҳам танишадилар. Раққоса ижросида балет спектаклларидан парчалар ҳам фильмга киритилган.

Фильм сценарийсини санъатшунос Галина Сутягина ёзган. Фильм режиссёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Тошхўжа Акромов.

300 МИНГ ЎҚУВЧИ УЧУН ТУШЛИК

Ўзбекистон пойтахтидаги ўнта райондан саккизтасида ишлай бошлаган ишлаб чиқариш комплекси Тошкентдаги уч юз минг ўқувчини овқатлантириш вазифасини ҳал этмоқда. 20 октябрдан бошлаб, ошхона-фабрикалар 280 та мактабга хизмат қила бошлайди. Тўрт юздан кўпроқ жуда малакали ошпазлар ва қандолатчилар ўқувчилар учун нонушта, тушлик ва бошқа тамаддилар тайёрлашга киришадилар. Таомлар мактабларга махсус рефрижераторларда етказиб берилади. Болалар дастурхонига тортиладиган таомлар орасида иссиқ овқатлар, янги соғилган сут, бутерброд, ширинликлар, шарбатлар бор. Хизмат кўрсатишнинг янгича усулига ўтиш умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган ўнлаб одамларни бошқа юмушларга ўтказиш имконини берди, таомлар мазали бўлиб қолди, уларнинг тури кўпайди. Мактабларарo умумий овқатланиш тармоғида ишлаётган барча ошпазлар ва қандолатчилар махсус аттестация комиссиясига имтиҳон топширдилар. Бу мутахассислар кўпчилигининг малака разрядлари оширилди.

Тошкент шаҳар умумий овқатланиш трестида ЎзТАГ мухбирига хабар беришларига қараганда, ишни шу тахлитда марказлаштириш ва мактаб ўқувчиларини сифатли гўштли ва сабзавотли таомлар билан таъминлаш имконини беради. Кузги каникуллардан кейин мактабда болалар дастурхонига албатта ҳўл мевалар киритилади. Болалар уч маҳал овқатланиб, 35—40 тийин сарфлайдилар.

Футбол. Биринчи лига

САБР-ТОҚАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Ўзбекистон футбол мухлислари бу йилги мавсумда «Пахтакор» командасининг кетма-кет мағлубиятга учрашига кўникиб қолмоқдалар. Командада дастлабки 10 турдан сўнг ўнинчи, 20 турдан сўнг саккизинчи, 30 турдан сўнг тўққизинчи ўринни эгаллаб турган бўлса, ҳозир биринчи лигани тарк этиши лозим бўлган беш коллективга тобора яқинлашмоқда. Аҳвол шундай давом этадиган бўлса, «Пахтакор» ҳам Жиззахнинг «Звезда» командаси сингари биринчи лига билан хайрлашиши мумкин.

Маълумки, МАСК ҳамда «Пахтакор» командаларининг учрашуви Марказий телевидение орқали кўрсатилди. Мухлислар ўйинчиларимизнинг 90 минут давомида бирон марта яхши комбинация ишлатганларини, дарвоза яқинида қулай вазият вужудга келтирганликларини кўролмадилар. Волгоградда эса яна мағлубият.

«Пахтакор» — «Гурия» матчини кўриш учун мухлислар яна Марказий стадион томон йўл олдилар. Улар бу сафар ниҳоят пахтакорчилар ўз шинавандалари олдида тузукроқ ўйин кўрсатадилар, деб умид қилган эдилар. Афсуски, умид яна пучга чиқди.

Иккала команда вакиллари ўйин олди машғулоти учун майдонга тушишганда «Пахтакор» командаси составидаги барчани ҳайратга солди. Нима учун коллектив ўз майдонида фақат бир ҳужумчи билан ўйнамоқчи (С. Бауэр), ёки пахтакорчиларнинг устозлари рақибдан чўчиб, ҳимоя вариантини маъқул кўришганми? Ўйин давомида майдон эгаларининг бу «ихтироси» меҳмонларга жуда қўл келди, улар бундай ўзига хос тактика учун «Пахтакор» раҳбарларига таҳсин айтишган бўлса ҳам ажаб эмас.

Учрашув бошланиши биланоқ «Гурия» футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олиб, кетма-кет ҳужум уюштира бошладилар. Меҳмонлар сафида ёши ўтиб қолган кўпгина футболчилар ўйнашди: К. Мчедлидзе ва Т. Эбаноидзе 29, Л. Меликия 30, Т. Чхандзе 31, В. Копалейшвили 32, М. Тевзадзе 40 ёшда. Лекин бу ветеран ўйинчиларнинг майдондаги хатти-ҳаракати, ҳар бир ерда тўп учун кураш олиб бориши, тиришқоқлиги кўпчилик мухлисларнинг ҳавасини келтирди. Бу соҳада пахтакорчилар «Гурия» футболчиларидан сабоқ олишса ёмон бўлмасди.

11-минутда ярим ҳимоячи В. Копалейшвили тўп билан жарима майдонига кириб борди, бир неча ўйинчини алдаб ўтгач, пахтакорчи Ф. Магометов уни чалиб йиқитди. Шу кунгача 19 тўп киритган Б. Придонишвили бу сафар ҳам мерганликда ўзини кўрсатди. Орадан 9 минут ўтгач, эркин тўп тепиш чоғида Э. Гесс меҳмонлар дарвозасини ишғол қилди.

Иккинчи бўлимнинг бошларида «Пахтакор» ҳимоячилари ўз жарима майдонларида яна меҳмонлардан бирини бўш қолдиришди. Ярим ҳимоячи Т. Эбаноидзе, худди машғулот чоғида бўлгани каби, яқин масофадан тўп киритиб командасини олдинга олиб чиқди. 65-минутда пахтакорчиларнинг ҳужумларидан бири самарали бўлди. Омад яна Э. Гессга кулиб боқди.

Учрашув якунланишига ўн бир минут қолганда футболчиларимизнинг ҳимоядаги яна бир қўпол хатоси туфайли В. Копалейшвили дарвозабон А. Яновский билан яккама-якка чиқди. Ўйинчиларимиз вазиятни хотиржамлик билан кузатиб туришди, тажрибали ўйинчи эса тўпни осонлик билан дарвозага йўллади.

«Гурия» футболчилари 3:2 ҳисобида ғолиб чиқиб, турнир жадвалидаги мавқеларини яна яхшилаб олдилар, «Пахтакор» ўйинчилари эса майдондан яна бош эгиб чиқишди.

Тўғрисини айтганда, мағлубиятга учрамайдиган команда бўлмайди, лекин мағлубиятлар ҳар хил бўлади, баъзи коллективлар бутун ўйин давомида жонбозлик кўрсатиб ҳаракат қилсалар ҳам омад уларга келмаслиги мумкин, бундай пайтда мутахассислар ҳам, мухлислар ҳам командадан ранжимайдилар. Лекин «Пахтакор»нинг бу йилги мағлубиятларичи? Баъзи ўйинчиларимиз майдонда худди бир-бирларини эндигина кўргандек, палапартиш ҳаракат қиладилар. Ф. Магометовнинг кетма-кет хатолари, Ю. Сулаймоновнинг тўпни эплаб ололмаслиги, В. Макаровнинг диспетчерлик ролига бутунлай тўғри келмаслиги, М. Ивановнинг «тажрибасизлиги», О. Синелобов ва А. Айвазяннинг майдонда ўзларини уринтирмасдан ҳаракат қилишлари, В. Кисеранинг шошиб қолиб тўпни дуч келган томонга тепиши, В. Постновнинг мавсум бошидан буён бironта тўп кирита олмаганлиги, С. Разаматовнинг майдондаги жанжалкашлиги (учрашув судьяси А. Хохряков мулойимлик қилмаганида Собир майдондан ҳайдаб чиқарилган бўлар эди) — буларнинг ҳаммаси биринчи лигада ўйнаётган команда учун кўплик қилмасмикин?! Бир вақтлари мухлислар эътиборини қозона бошлаган Е. Ералиев ва Б. Раҳмоновлар нега запасдаги ўйинчилар қаторидан чиқолмай қолишди, катта умид билан командага янги қабул қилинган А. Бичков ва В. Ивановлар нега майдонда кўринишмайди?

Бир вақтлар мамлакатимизнинг етакчи коллективлари билан тенг курашиб келган «Пахтакор» ҳозир биринчи лиганинг энг бўш командаларидан бирига айланиб қолганлиги кўпчиликни ранжитмоқда. Командани бундай вазиятдан ким қутқаради, ким «Пахтакор»нинг шуҳратини тиклайди? Ана шундай саволларга жавоб бериш вақти етмадимикан? Бу ҳақда команда устозлари, ўйинчилари жиддий ўйлаб кўришлари лозим.

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
«Тошкент оқшоми» футбол шарҳловчиси.

«Пахтакор» ҳақида 23 фикр

Беги СИХАРУЛИДЗЕ,
Грузия ССРда хизмат кўрсатган тренер, «Гурия» командасининг катта тренери.

Пахтакорчилардан майдонда Э. Гесс яхши ҳаракат қилди. Бу ветеран ўйинчи тиришқоқлиги, жонкуярлиги билан ёш командадошларига ибрат кўрсатди. Шунингдек, ҳужумчи С. Разаматов ҳам дуруст ўйнади дейиш мумкин. Афсуски, унинг интизоми яхши эмаслиги кўринниб қолди. Агар судья ҳайрихоҳлик билдирмаганида уни «бокс усулини» қўллаганлиги учун майдондан чиқариб юбориши мумкин эди.

Умуман олганда пахтакорчилар бу йилги мавсумни жуда бўш ўтказишмоқда. Уларнинг биринчи лигада қолиш учун тиришаётганликлари, бир вақтлар олий лигада иштирок этган команданинг ўйин услубидан нишона ҳам қолмаганлиги ташвишли ҳол, албатта.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —16/Х да **Зебунисо** (премьера), **Анна Каренина.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 16/Х да **Ғариблар**, 17/Х да **Рўё.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/Х да **Узилган торлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/Х да **Зар қадри**, 17/Х да **Узоқ қишлоқ.**

КИНО

16 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИМ ВА ҚАНДАЙ» —**Санъат саройи** (16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-34), **Ватан** (18, 21.00; телефон 75-54-39), **Қозоғистон** (17, 18, 20.00; телефон 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (16, 18.30, 21.00).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН»— **Нукус** (17, 19, 20.40), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Восток** (16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).

«ҚАДИМИЙ РУСЬ» — **Искра** (17.15, 20.00), **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«НАҚ ЮРАГИГА» — **Чайка** (телефон 77-06-20).

«КИТ ҚОРНИДА»— **Москва** (телефон 33-05-01).

«ҚАНОТЛАР ВА ЙЎЛЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (телефон 78-47-25).

17 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИМ ВА ҚАНДАЙ»— **Санъат саройи** (10.30, 13, 16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-34), **Ватан** (12, 15, 18, 21.00; телефон 75-54-39), **Қозоғистон** (12, 14, 15, 17, 18, 20.00; телефон 35-24-92), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН» — **Нукус** (10.30, 12, 13.30, 15, 17, 19, 20.40), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Восток** (10.30, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).

«ҚАДИМИЙ РУСЬ»— **Искра** (11.45, 14.30, 17.15, 20.00), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ҚАНОТЛАР ВА ЙЎЛЛАР»— **Чайка** (телефон 77-06-20).

«НАҚ ЮРАГИГА» — Москва (телефон 33-05-01).

«КИТ ҚОРНИДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (телефон 78-47-25).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари** (19.30).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
17 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
СССР Биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) —**«СПАРТАК»** (Оржоникидзе)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Билетлар сотилмоқда.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
СССР Биринчилиги учун Биринчи лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

25-26 октябрь соат 17.00 да

«БИНОКОР» (Тошкент) — **«СИБИРЬ»** (Новосибирск)

Билетлар «Юбилей» марказий спорт зали кассасида сотилмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77—администратор; 46-03-12, 46-70-31 —касса.

◦◦◦ реклама ◦◦◦ Эълонлар ◦◦◦ реклама ◦◦◦

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» магазинлари

1987 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА

1984 йилгача ишлаб чиқарилган майда улгуржи молларни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

сунъий шойи ва хон атласдан тикилган хотин-қизлар миллий кўйлакчаси;

сунъий мўйнадан тикилган хотин-қизлар пальтолари;

тўшак кўрпа жилдлари, чойшаблари;

жун, кўйлакли ва костюмли газламалар, сунъий шойи;

зиғир газламаси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 78-77-51, 78-93-01.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

«Футон» парвариш воситаси

АЭРОЗОЛЬ ИДИШГА СОЛИНГАН ПУРКАЛУВЧИ ВОСИТА ОЕҚНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.



У ОЕҚҚА ГИГИЕНА МАҚСАДИДА СЕПИЛАДИ.

БУНИНГ УЧУН УНИ **10-20 сантиметр масофада оёқ тагига ва бармоқ оралариға пуркалади. Сепиш бир суткада бир марта 2-3 секундан ошмаслиги керак.**

БАҲОСИ — 1 СЎМ.

«УЗБИТПЛАСТИК» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг

1-ФИРМА МАГАЗИНИДА

(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 24-уй)

«ФУТОН»

ШИФОБАХШ ВОСИТАСИНИ

СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус 14 дан 15.00 гача, душанба дам олиш куни.

«УЗБИТПЛАСТИК» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-фирма магазини.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

30-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1986-87 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Узоққа қатновчи пассажир вагонлари проводниги. Ўқиш муддати — 10 ой. Стипендия 30 сўм. Ўқишга 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Тепловоз машинисти ёрдамчиси. Ўрта маълумотга эга бўлган 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. Ойига 30 сўм стипендия тўланади. Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишиларга эса 72 сўм стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1 йил.

Подстанцияларнинг электромонтёрлари. Ўрта маълумотга эга бўлган 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. Ойига 36 сўм стипендия тўланади. Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар эса 72 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ўқиш муддати — бир йил.

8-синф маълумотига эга бўлганлар тепловоз машинистининг ёрдамчиси, рефрижератор поездларининг совутиш асбоб-ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь, тортиш подстанцияларининг электромонтёри мутахассисликларига ўқишга қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, формали кийим-бош билан таъминланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади, аълочи ўқувчилар эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун берилган барча имтиёзлардан, шу жумладан темир йўл орқали Совет Иттифоқининг исталган жойига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий билет, яшаш жойидан справка, 8 дона фотосурат (3х4 см.).

Машғулотлар группалар комплектланганидан кейин бошланади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайлар; 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати).

Витаминлар — куч-қудрат манбаи

Сиз ўзингизнинг ҳар кунги витамин нормангизни биласизми? «Здоровье» журналининг таъкидлашича, бир кунда инсонга сабзавот ва меваларни камида 500—700 грами керак. Ёзда ва кузда организмни витаминларга тўйинтириш учун ҳар биримиз ўз вазнимиздан ортиқроқ сабзавот ва мева шарбатларини тановвул қилишимиз керак.

Тузланган, маринадланган, қуритилган, консерваланган неъматлар. Тайёрлаш усули хилма-хил. Сизнинг диққатингизга ҳавола қилаётган рецептлар сизга манзур бўлади.

Агарда тарвуз сўйилганда бемаза чиқса, асло ташвишланманг. Хушхўр мураббо тайёрлаш учун худди ана шунақа тарвуз керак. «Работница» журнали уй бекаларига мана бундай рецептни ҳавола қилган:

«Сўйилган тарвузни кубикча шаклида (1-2 см) тўғрайсиз, уруғини ажратиб оласиз, тарвузга шакар сепиб 2 соат салқин жойга қўясиз, шундан кейин шакар қиёмда (1, 2 килограмм шакарга бир килограмм тарвуз эти керак бўлади, агарда мураббо қуюқ тортиб қолса маромида сув қўшасиз). Ҳар 8—10 минутдан уч марта оралаб милтиратиб қайнатасиз. Охирги қайнатишда 2—3 грамм лимон кислотаси ва таъбга яраша ванилин соласиз.

Грузия уй бекалари хушхўр мураббо тайёрлашади. У помидор мураббодир.

Майдароқ ҳомроқ пишган помидор (исталган, бирон яхшиси «сливка» навли)ни саралаб қўясиз.

1 килограмм помидорга 1,2 килограмм шакар, 1,5 стакан сув ишлатилади.

Қиём қайнатасиз. Мураббо учун помидорни тоғорачага соласиз, устидан совуган қиём қуйиб бир кеча-кундуз тиндириб қўясиз. Эртанги куни қиёмни силқитиб оласиз ва яна қайнатиб қайноқ ҳолда помидорга қуясиз. Бир суткадан кейин ана шу жараённи яна такрорлайсиз ва паст оловда маромига етгунча милтиллатиб қайнатасиз.



Қуритилган мевалар яшчикларга ёки халталарга солиб қуруқ жойда сақланади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки мева қуритиш учун енгил шабада тегадиган ва соя роқ жой бўлиши керак.

Мевалар фанерга ёки қоғоз устига ёйиб қуритилади.

Болгар гармдориси, бақлажонларни ҳам қуритиш мумкин. Гармдори ипга терилиб, қуруқ ва шабадали жойга осиб қўйилади. Бақлажонни узунасига парраклаб тўғралади ва қўзиқорин каби ипга териб осилади.

Шундай қилиб қиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўришга киришайлик.

Сабзавот ва меваларни қаердан сотиб олиш мумкин?

Чилонзор массиви аҳолисига қуйидаги магазинларга марҳамат қилишни таклиф этамиз:

1-Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Чилонзор» станцияси);

4-Муқимий кўчаси, «1000 хил майда-чуйда» магазини ёнида (метронинг «Ҳамза» станциясида);

29-Чилонзор массиви, 18-квартал, 3-уй;

Агарда сиз Акмал Икромов районида истиқомат қилсангиз қуйидаги магазинлар қулайдир:

2-Ғафур Ғулом кўчаси (4, 9-трамвайлар, 2, 33-автобусларнинг «Чопонота» бекати);

16-Чилонзор массиви, 23-квартал, Чилеп кўчаси, 40-уй;

22-Уйғур кўчаси, 156-уй;

25-Абдуллаев кўчаси.

Шаҳар марказида истиқомат қилувчилар Киров район озиқ-овқат савдоси бўлимининг Олой бозорида жойлашган 33, 61, 65-магазинларига марҳамат қилишлари мумкин.

Ҳамшаҳримиз «Ўзбек таомлари» китобининг муаллифи мева қоқи тайёрлашнинг қадимий усулини тавсия қилади.

Мева қуритишнинг ўзига хос усуллари бор. Олма парраклаб ёки донадор тўғралган ҳолда қуригилади. 4—5 кундан кейин қуриган олма ағдарилади ва 4—5 кун орқа томони қуригач йиғиштириб олинади. Меваларни қуритиш чоғида чанг ўтирмаслиги учун усти ёпиб қўйилади.



Юқорида номлари кўрсатилган магазинларда тарвуз, помидор, картошка, пиёз, узум, олма, бақлажон, саримсоқ пиёз сотилмоқда.

ЧИЛОНЗОР, АКМАЛ ИКРОМОВ, КИРОВ РАЙОНЛАРИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМЛАРИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Рўмол ҳам кўрк

ЧИРОЙЛИ РЎМОЛЛАР ҲАМ АЁЛЛАРГА КЎРК БАҒИШЛАЙДИ. РЎМОЛ ТАНЛАГАНДА Ў СОЧ ЁКИ ҚИЙИМЛАР ТУСИГА МОНАНД БЎЛИШИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ.

Рўмол чирой бўлибгина қолмай, кузнинг салқин кунларида иссиқ тутишга ҳам асқотади.

Марказий универсал магазинига

РЎМОЛЛАР, ДУРРАЧАЛАР СОТИБ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

МАГАЗИНДА ПАВЛОПОСАДСК, РИГА, ЛЕНИНГРАД, НАМАНГАН, МАРҒИЛОН КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЖУН, ЖУН АРАЛАШГАН, ПОПИКЛИ ВА ПОПИКСИЗ ШОЙИ, ГУЛЛИ ВА СИДИРҒА РАНГЛИ ҲАР ХИЛ РАЗМЕРДАГИ РАНГ-БАРАНГ ГУЛЛИ РЎМОЛЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

ЦУМ (телефон 56-77-91).

«Электроника» тез таом пиширади

«ЭЛЕКТРОНИКА» ПЕЧИДА ПИШИРИЛГАН ТАОМЛАР КУЙИБ КЕТМАЙДИ, МАРОМИГА ЕТИБ МАЙИН ТОРТИБ ПИШАДИ, ЛАЗЗАТЛИ ВА ТЎЙИМЛИЛИГИНИ ЙЎҚОТМАЙДИ.

Бу печь айниқса парҳез таомларни тайёрлашда қўл келади.

«ЭЛЕКТРОНИКА»да ҳар қандай идишлар — шиша, чинни, пластмасса, ҳатто қозоғозли (фақат металлдан ташқари) **идишларда таомлар пиширish ва иситиш мумкин.**



«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН «ЭЛЕКТРОНИКА» ПЕЧИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Баҳоси — 320 сўм.

«ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53.83; саноат ва қурилиш — 32-57.84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28.95; 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—12999. Газета якшанбадан ташқари ҳар куни, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б— 2110. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.